201__ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

41 (525) ● 2018 йил 10 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ: УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 8-9 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 9 октябрь куни бўлиб ўтди.

Париж шаҳридаги Шон-шараф майдонида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Франция давлат мадҳиялари янгради. Шавкат Мирзиёев ҳарбий оркестр садолари остида фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Франция Республикаси Президентининг Елисей саройига йўл олди.

Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макроннинг музокарасида Ўзбекистон – Франция муносабатларини янада ривожлантириш, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз мамлакатимиз делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон ишончли ва узоқ муддатли шерик бўлган Франция билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганини алоҳида таъкидлади. Франция давлатимиз раҳбари расмий ташриф билан келган Европадаги биринчи мамлакат эканини қайд этиб, ўн бешинчи аср бошида буюк Соҳибқирон Амир Темур ва Франция қироли Карл VI давридан буён давом этиб келаётган дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч мамлакатларимизни боғлаб туришига эътибор қаратди.

Эммануэль Макрон давлатимиз раҳбари билан Парижда учрашиб турганидан мамнунлигини билдириб, Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсат, кенг кўламли ислоҳотлар нафақат аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг етакчи давлатлар сафига кириши, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Икки давлатнинг халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал этишга доир ёндашувлари яқин ёки мос экани қайд этилди.

2-бет

Қонун кучга кирди

ЧИЛИМ ВА ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР: БУ БОРАДАГИ МУНОСАБАТЛАР ЭНДИ ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

Ҳар бир жамият истиқболи ва мамлакат равнақи, энг аввало, халқнинг соғлиғини сақлаш, унинг саломатлигини асраб-авайлаш билан бевосита боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда соғлиқни сақлаш йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ташаббуси асосида ишлаб чиқилган "Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни айни шу мақсадга қаратилган. Шу йилнинг 2 июль куни қабул қилинган мазкур қонун 4 октябрдан эътиборан кучга кирди. Қонун кучга кириши учун маълум бир муддат белгиланиши унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида кенг омма орасида тушунтириш ишларини олиб бориш, чилим ва электрон сигареталарни чекишга доир тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш, қонунда белгиланган алоҳида жойларни ташкил этиш муайян вақт талаб этилиши билан боғлиқ.

3-бет

Фракция позицияси

ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳасига оид бир қанча қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Қонун лойиҳалари қуйи палата мажлисига қадар сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида ҳам қизғин муҳокама қилинганди. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида лойиҳалар муҳокамасига партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди. Фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарган йиғилишда депутатлар ҳар бир қонун лойиҳасининг аҳамияти, улардан кутилаётган натижалар хусусида ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди.

3-бет

Фармон ва ижро

КЕЧИРИМЛИ БЎЛИШ КЕЛАЖАККА ЙЎЛ ОЧАДИ

Инсон орзу-умид билан яшайди. Умрни эзгу амаллар ила безамоқлиқ, оиласи, Ватани олдидаги бурчини сидқидилдан адо этмоқ ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Бундай фазилатлар асрлар оша аждодларимиздан мерос бўлиб ўтган, қон-қонимизга сингиб кетган. Аммо баъзан ўзинг истаб-истамай хато ва камчиликларга ҳам йўл қўясан...

Бугун мамлакатимизда ёшларни террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, халқимизнинг эзгу анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, улардан ёш авлод маънавиятини юксалтиришда фойдаланишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этилаётир. Адашиб, нотўғри йўлларга кириб қолган фуқароларнинг афв этилиши, уларнинг оиласи бағрига қайтиши ва жамиятнинг фаол аъзолари қаторига қўшилиши учун шароит яратиш — инсонпарварликнинг юксак тамойилларидан саналади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг афв этишга оид қатор фармонлари эълон қилингани бунинг яққол тасдиғидир. Кейинги бир йилда афв этишга оид учта фармон қабул қилинган бўлса, шу туфайли жиноят содир этиб, ҳукм қилинган уч мингдан зиёд шахс озодликка чиқарилди. Бу қилмишдан пушаймон бўлган шунча инсон ҳаёти тубдан ўзгарди, уларнинг оилаларига қувонч бахш этилди, дегани. Зеро, баъзи одамлар жиноят кўчасига билиб кирса, айримлар адашиб кириб қолади. Иккинчи тоифа кишилар кўпинча қилмишидан афсус-надомат чекибгина қолмай, хатосидан тўғри хулоса чиқаради.

6-бет

Назорат ва таҳлил

ХОРАЗМДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Аждодларимиздан қолган маданий меросимизни асраб-авайлаш, ўз ҳолича сақлаш бугунги авлод зиммасидаги муҳим вазифа. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида қад кўтариб турган турли даврларга оид тарихий обида-ю зиёратгоҳлар халқимизда миллий ўзликни англаш туйғусини ўстириш, аждодларимиз ким, улар нималарга қодир эканлигини англаб етишга хизмат қилади. Қолаверса, мамлакатимиз иқтисодиётининг истиқболли соҳаси бўлган туризмни ривожлантиришда ҳам муҳим омил саналади.



Шу боис Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлари партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жойларда маданий мерос объектлари муҳофазаси, уларнинг сақланиш ҳолатини мунтазам ўрганиб бормоқда. Объектларни асраб-авайлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар, аниқланган муаммоларга тегишли мутасаддиларнинг эътиборини қаратиб, уларни ҳал этишга кўмаклашаётир. Жумладан, Хоразм вилоятидаги мавжуд маданий мерос объектларининг бугунги аҳволи ва уларни муҳофаза қилиш ишларини ўрганиш бўйича ЎзМТДП вилоят кенгаши қошида ишчи гуруҳ тузилган. Айни кунларда мазкур гуруҳ аъзолари жойлардаги маданий мерос объектларини ўрганмоқда.

Вилоятда жами 237 маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шулардан 17 таси археология, 134 таси архитектура, 80 таси монументал санъат ёдгорлиги, 6 таси диққатга сазовор жой ҳисобланади.

3-бет

Ўзлик ҳақида суҳбат

МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ — ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда "Миллий тикланиш" газетаси ҳамкорликда йўлга қўйган "Ўзлик ҳақида суҳбат" лойиҳаси кўлами тобора кенгайиб, ҳам анъана шаклини олиб, ўз ўқувчиларига эга бўлмоқда. Қарийб бир йилдан зиёд вақт давомида ушбу лойиҳа доирасида мамлакатимиз зиёлилари, олимлар, шоир-ёзувчилар ва сиёсатчилар билан ўзликни англаш, собит эътиқод, миллий ғурур-ифтихор туйғулари, ижтимоий бурч, чин инсоний фазилатлар хусусида суҳбатлашдик ва улар изчиллик билан газетамиз саҳифаларида эълон қилиб борилаётир.

Бу галги "Ўзлик ҳақида суҳбат" меҳмони — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор, таниқли сиёсатчи **Ахтам ТУРСУНОВ.** Суҳбатни атоқли адиб, партиямиз фахрийси **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД** олиб борди.

5-бет

Ушбу сонда:

МУСТАҲКАМЛИКДА ТЕНГИ ЙЎҚ ДЕВОР

7-бет

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ЯРМАРКАСИ

8-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
41 (525) 2018 йил 10 октябрь, чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ: УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақа давлатларининг изчил тараққиётга эришиши мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашиш муҳимлигини қайд этдилар. Минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш зарурлиги яна бир бор таъкидланди. Бунда олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тўғридан-тўғри сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ушбу муаммони ҳал этишнинг бирдан-бир йўли эканига эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда сиёсий мулоқот фаоллашгани ва бундан буён мунтазамлик касб этиши лозимлиги таъкидланди.

Ҳукуматлар ва вазирликлар даражасида мунтазам мулоқот амалга оширилмоқда. Ташқи сиёсий идоралар ўртасида сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. Парламентлараро алоқалар изчил ривожланмоқда.

Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, технологиялар, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Франция ҳукуматлараро комиссияси фаолиятига ижобий баҳо берилди. Ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, ўзаро савдода энг кўп қулайлик яратиш тартиби ўрнатилган, Икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида конвенция ва бошқа ҳужжатлар имзоланган.

Музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми мавжуд имконият ва салоҳиятга мос эмаслиги таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг тегишли вазирлик ва идоралари томонидан Европа тикланиш ва тараққиёт банки, "МЕДЕФ" Франция тадбиркорлари ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган бизнес-форумда Европанинг илғор тажрибаси, билими ва технологиялари асосида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, Франция тараққиёт агентлиги билан умумий қиймати қарийб 600 миллион евро бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик дастури имзоланди.

Франциянинг "Эйрбас", "Тоталь", "Винчи", "Орано", "Тоталь Эрен", "Веолия", "Фивс Штейн", "Буиг", "Ранжис" ва бошқа кўплаб компаниялари билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширишга келишиб олинди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Учрашувда бунга алоҳида эътибор қаратилар экан, маданият ва санъат, туризм, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, археология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришнинг аниқ йўналишлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонга келаётган францияли сайёҳлар учун визасиз тартиб жорий этилгани ва Франция бу борада Европанинг биринчи мамлакати бўлганини таъкидлади.

Мамлакатимизда француз тилини ўрганишга қизиқувчилар кўп. Яқинда Тошкентда Француз тили ва маданияти маркази ташкил этилди.

Иқтисодиёт, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, туризм каби йўналишларда мутахассислар тайёрлаш бўйича Ўзбекистонда Францияннинг етакчи университетлари филиалларини очиш борасида келишувларга эришилди.

Мамлакатимиз тарихи ва маданияти халқаро ҳамжамиятда, жумладан, Франция илмий доираларида доимо катта қизиқиш уйғотиб келган. Ташриф давомида юртимиз тарихи ва маданиятини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган Францияннинг таниқли адабиёт ва илм-фан намояндалари – ёзувчи Амин Маалуф, олимлар Фредерик Бопертюи-Брессанд хоним ва Франц Гренега Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси унвони берилди.

Мамлакатимиз тарихий ва маданий меросига улкан қизиқишни ҳисобга олган ҳолда, 2021 йилда Лувр музейида Ўзбекистон тарихига бағишланган кўргазма ўтказиш хусусида келишувга эришилди. Ушбу тадбир жаҳонга машҳур музейда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан бирига бағишлаб ўтказиладиган илк кўргазма бўлади.

Ташриф доирасида автомобиль транспортида халқаро йўловчи ва юк ташиш, туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, Франция тараққиёт агентлиги билан 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш тўғрисида аҳдлашув битими имзоланди.

Шунингдек, 2019-2020 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Франция экология, барқарор тараққиёт ва энергетика вазирлиги ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасида ҳамкорлик, икки мамлакат Ички ишлар, Маданият вазирликлари, Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Лувр музейи ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми каби ҳукуматлараро ва идоралараро жами 10 та ҳужжат қабул қилинди.

Музокаралар якунида имзоланган ҳужжатлар ўзаро алмашилди.

Давлат раҳбарларининг самарали музокаралари якунида эришилган натижалар Ўзбекистон билан Франция ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, уни янги амалий мазмун билан бойитишга тайёр эканининг ёрқин тасдиғи бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Лувр музейига ташриф буюрди.

Лувр – дунёдаги энг машҳур музейлардан бири, Франциянинг ўзига хос "ташриф қоғози"дир. У бадиий коллекцияси бўйича жаҳонда биринчи, майдони бўйича иккинчи ўринда туради. Ушбу музейга ҳар йили қарийб 10 миллион сайёҳ келади.

Музей биноси 1190 йилда Франция Қироли Филипп-Август томонидан қалъа сифатида бунёд этилган. Лувр сўзи мазкур мудофаа қўрғони номидан олинган. У бир неча аср давомида Франция қироллари қароргоҳи бўлган. Кейинчалик Версаль саройи қурилгач, 1793 йилда музейга айлантирилган.

Лувр музейида 300 мингдан зиёд экспонат сақланади. Уларнинг энг қадимгиси эрамиздан аввалги 7 асрга оиддир. Музей залларида уларнинг фақат 35 мингтаси намойиш этилади. "Милослик Венера" ҳайкали ва Хаммурапи қонунлари, Леонардо да Винчининг "Жоконда" ва Ян Вермеернинг "Чевар қиз" картиналари улар орасида энг машҳурларидир.

Музей экспонатлари 6 та коллекцияга ажратилган. Фақат Шарқ коллекциясининг ўзи 24 та зални эгаллаган. У ерда бизнинг мамлакатимиз тарихига ҳам оид минглаб ашёлар бор. Жумладан, Амир Темурнинг Карл VI га ёзган мактуби, Аҳмад Яссавий мақбараси учун Соҳибқирон томонидан ясатилган шамдон, қадимий қурол-аслаҳалар, битиклар ва бошқа осори-атиқалар буюк ўтмишдан сўзлайди.

Давлатимиз раҳбари музей экспонатларини томоша қилди ва улар тарихи билан қизиқди. Бу ерда сақланаётган тарихий меросимиз намуналари халқимиз учун ниҳоятда қадрли ва аҳамиятли эканини таъкидлади. Ўзбекистон ва Франция музейлари ҳамкорлигида кўргазмалар ташкил этиш, археолог ва тарихчи олимларнинг илмий ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Абу Бакр ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири

Тошкент – Париж – Тошкент.

Парижда 9 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан Лувр музейи ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.



ЛУВР МУЗЕЙИ БИЛАН МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда жамғарма ижрочи директори ўринбосари Гаянэ Умерова, Лувр музейи директори Жан-Люк Мартинес мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар маданий-гуманитар соҳада ҳам юқори босқичга кўтарилаётганини таъкидлади.

Меморандумда Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Лувр музейи ўртасида кўплаб йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Жумладан, санъат ва маданият тарихи, музейшунослик, реставрация ва консервация соҳаларида илмий-тадқиқот ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш, Лувр музейи ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Яҳё Ғуломов номидаги Археология институти томонидан олиб борилаётган Бухородаги археологик экспедицияси қазишма ишлари натижаларини оммалаштириш, мутахассислар ва тажриба алмашиш мақсадида ҳамкорлик қилиш масалалари акс этган.

Бундан ташқари, меморандумда 2021 йил кузида Лувр музейида Ўзбекистон маданий меросига бағишланган "Буюк ипак йўлидаги тамаддунлар ва маданиятлар" номли кўргазмани ташкил этиш белгиланган.

Кўргазма Ўзбекистоннинг Буюк ипак йўли маконидаги тарихий, маданий-маърифий роли ва аҳамиятини янада кенг очиб бериш, мамлакатимизнинг бой тарихи ва бугунги ҳаётини ёритишга хизмат қилади. Кўргазмада юртимиз музейларида сақланаётган нодир осори-атиқалар намойиш этилади. Ўтмишдан гувоҳлик берувчи ушбу буюмлар Ўзбекистоннинг Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган мамлакат сифатида қадимги савдо ва маданий алоқалар ривожида тутган ўрнини ифода этади.

Мазкур меморандум имзоланиши жамғарманинг маданий алоқаларни кенгайтириш, маданият ва санъат соҳасидаги халқаро ташкилотлар ва хайрия жамғармалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Абу Бакр ЎРОЗОВ,
ЎзА махсус мухбири
Париж.

ФРЕДЕРИК БОПЕРТЮИ-БРЕССАНД ХОНИМНИНГ АЖДОДЛАРИ ЎЗБЕК БЎЛГАНМИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи доирасида 8 октябрь куни мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасида Франциядаги Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциацияси президенти, тарихчи олима Фредерик Бопертюи-Брессанд хонимга Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси унвони берилди.

Бутун илмий фаолиятини Самарқанд, хусусан, темурийлар даврини ўрганиш ва уни тарғиб этишга бағишлаган француз олимаси билан 2017 йил юртимизга сафари чоғида суҳбатлашган эдик. Ўшанда олима "Самарқанднинг фахрий фуқароси бўлиш менинг бир неча йиллик орзуим", деганди. Қарангки, орадан бир йил ўтиб, унинг орзуси ушалди. Ўз навбатида биз ҳам маърифатли француз ҳамшаҳримиз борлигидан фахрланамиз!

Машҳур Ургут бозорининг каштадўзлик маҳсулотлари растасида беқасам нимча кийиб, каштали халта кўтариб олган, ўз фикрини русчада баён қилиб, ҳайратини французча "о-ля-ля!", дея ифода этаётган чет эллик хоним барчанинг эътиборини тортди.

Сотувчилар хорижлик хонимга сотиш илинжида сўзанаю кашталарига таъриф бера бошлади. Француз хоними уларнинг баъзиларини эшитиб, мийиғида кулиб қўйди. Сўнг шеригига қараб: "Бу самарқандча нусхадаги сўзана, бу каштанинг гулини сурхонликлар тикади, мана бу машҳур бухороча нақш...", дея кашталарни, улардаги нақш маъноларини таърифлай бошлади. Сотувчилар тилини тишлаб қолди: "Қалампиру қуёш нусхаларимизнинг таърифини келтираётган бу француз хоними ким ўзи?".

САМАРҚАНДГА ИЛК МУҲАББАТ

Либосидан тортиб қадим Бухоро ва Самарқанд меъморий обидалари тасвири туширилган эски суратларни авайлаб жойлаб қўйган сафар сумкаси-ю тақинчоқларигача самарқандлик ҳунармандлар томонидан ясалган. У бу либосларни кўз-кўз қилиш учун фақат Ўзбекистонда эмас, АҚШ, Испания, Франция – иш юзасидан қайси юртга бормасин, ўша ерда ҳам кияди. Унинг гардеробида бундай либослар, адрас чопон, нимча, лозим, кўйлак ва дўппиларнинг хилма-хили мавжуд.

Фредерик хоним шунчаки тарихий обидаларимиз ва маданий меросимиз, либосу санъатимизга ошуфта сайёҳ аёл эмас. Фредерик Бопертюи-Брессанд – тарихчи олима, Франциядаги Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциацияси президенти. Ассоциация муассислигида чоп этиладиган "La Timuride" журнали бош муҳаррири. Фредерик хонимнинг Ўзбекистон, темурийлар тарихи билан боғлиқ тадқиқотлар олиб бориши-ю бу ўлкани чуқур тадқиқ этиши фақат ассоциация раҳбарлиги эмас, бу ишларнинг илдизи унинг муҳаббати туфайлидир. Ўзбекистонга, Самарқандга мафтунлиги бир пайтлар касбининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлган.

– Биринчи марта Ўзбекистонга 1977 йилда келгандим, – дея хотирлайди Фредерик хоним. – Ўшанда Франциядаги университет талабаси бўлиб, рус ва хитой тилларини ўрганаётгандим. Рус тилини яхшироқ ўзлаштириш, унинг барча нозик жиҳатларини тушуниш учун собиқ иттифоқ таркибидаги қарийб барча давлатларда бўлдим. Шундай сафарлардан бирида Самарқандга ҳам келдим. Илк ташрифимданоқ бу ер мен учун англаб бўлмас даражада қадрдон туюлди. Францияга қайтгач, миноралару нилий гумбазлар тушларимга кира бошлади. Орадан бир неча йил ўтгач, яна келдим.

Шоҳи Зинда, Регистон, Бибихоним... Ҳар бирининг тарихию яқин ўтмишини қизиқиш билан ўрганар эканман, бу юрт одамларининг самимияти, ҳунармандлари маҳсулотларидаги жилоларга янада кўпроқ боғланиб қола бошладим. Фотоаппаратимни олдиму шаҳарни пиёда айландим. Обидалар, кўчалар, одамлару бинолар бир-бир фотоаппарат нишонига туша бошлади. Францияга қайтгач, уларни томоша қиларканман, фотокўргазма учун етарли суратлар борлиги хаёлимдан ўтди. Хаёл кўп ўтмай ҳақиқатга айланди. Кўргазмада Ўзбекистон тарихидан хабардор, темурийлар даврини ўрганган бир неча олимлар ҳам иштирок этди. Темурийлар даврининг бой маданий меросини тадқиқ этган францияли олим Люсьен Керен билан ҳам шу кўргазмада танишдим. У билан темурийлар даври ҳақида анча суҳбатлашдик. Шундан сўнг бу давр тарихи, Амир Темур шахси, унинг ота, ҳукмдор, дипломат, жангчи сифатидаги қирралари ҳақида ҳар ҳафта суҳбатлашадиган бўлдик.

"Кўргазма баҳонасида сиз билан танишиб, темурийлар тарихи билан боғлиқ қизиқишларимни баҳам кўряпман. Эҳтимол, бу даврга қизиқувчилар кўпдир. Уларни жамлаб, ассоциация ташкил қилсак, нима дейсиз?". Бу таклифим олимга маъқул келди. Шу тариқа кўп ўтмай, 1988 йилнинг 22 мартида Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар ассоциацияси ташкил этилди. Узоқ йиллар ушбу уюшмага устозимиз, тарихчи олим, профессор Люсьен Керен бошчилик қилди. Суҳбатлар қизғин иш жараёнига айланди. Аввал Франция, сўнг бошқа давлатлардан ҳам темурийлар тарихини ўрганувчи, қизиқувчи олимларни ассоциацияга жалб эта бошладик. Ўша йилларни эслайман. Ўзбекистонга ассоциациямиз ташкил этилганини маълум қилиш ҳамда ҳамкорликда иш олиб боришни таклиф қилиш мақсадида ташриф буюрдик. Минг афсус, у пайтлар, собиқ иттифоқ таркибида бўлган юртда Амир Темур шахси ҳақида пичирлаб гаплашишар эди. Фақат 1991 йил, яъни Ўзбекистон суверен давлат сифатида эълон қилингандан сўнг алоқалар яхшиланиб, ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширдик.

ЎЗБЕК МАДАНИЯТИНИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ТАРҒИБОТЧИСИ

Ассоциация томонидан амалга оширилган ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. Уюшма томонидан ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти, Темурийлар тарихи давлат музейи ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилди. Фредерик Бопертюи-Брессанд 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи доирасида ўтказилган халқаро конференцияда "Темурийлар даври мусиқаси" мавзуидаги маруза билан иштирок этди. Шу йилларда Парижда "Мовий Самарқанд" ва "Сехрли Самарқанд" китоб-альбомлари нашр этилди. Самарқандда ўтказилган китоб тақдимотларидан бирида "Сиз туфайли Самарқандга бошқача назар билан қарай бошладик" деган лутфни эшитган Фредерик хоним бу эътирофни ҳалиям кўнглида асраб юради. Ассоциация Ўзбекистон маданияти ва санъатини нафақат Франция, балки бутун Европа, АҚШда ҳам кенг тарғиб қилмоқда. Хусусан, Парижда Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиеванинг концерти, рассом Бобур Исмоилов ва кулол Абдулла Наррзуллаевнинг кўргазмалари ташкил этилди.

2016 йилда Германияда ўтказилган "Алишер Навоий ва унинг жаҳон адабиёти ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги халқаро конференцияда ассоциациямиз аъзолари ўз маърузалари билан қатнашдилар. Умуман, фаолияти давомида ассоциация томонидан Ўзбекистон маданияти, темурийлар даври, ўша даврга оид маданий ҳаёт мавзуларида турли давлатларда 200 га яқин конференциялар ташкил этилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси ассоциация режаси ижроси учун эмас, балки Фредерик хонимнинг фидойилиги, Самарқандга муҳаббати туфайли амалга оширилган, десак кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Аммо Фредерик хонимни бир неча йиллардан бери танийдиган самарқандлик дўстлари унинг бир сирини фош этиб қўйишди: "У кўпинча Ўзбекистон ҳақидаги китобларини нашр эттириш, хорижда ўтказаётган конференциялари учун маблағни оилавий бюджетидан ажратади".

"ОНАМИЗНИНГ АЖДОДЛАРИ ЎЗБЕК БЎЛГАН"

Оиладагилари Фредерик Бопертюи-Брессанднинг қадим Самарқандга муҳаббатини тўғри қабул қилишади. Париждаги хонадонидан катта бир уй фақат ўзбекистонлик ҳунармандлар ясаган маҳсулотлар билан безалган. Унда бешикдан тортиб турли каштаю сўзаналаргача, кўзадан тортиб офтобагача бор.

– Қизимнинг тили чиққанда айтган биринчи сўзи биласизми нима бўлган? – суҳбатни давом эттиради Фредерик хоним. – У "сю-за-не", деб гапира бошлаган. Уни ҳатто бешикда катта қилмоқчи бўлгандим. Тўрт фарзандимнинг ҳаммаси ўзим каби Ўзбекистонга меҳр қўйган. Шарқ дунёси уларниям мафтун этган.

Ўзбекистонлик дўстларим уйимизга ташриф буюришади, мен ҳам уларникида меҳмон бўламан ва бу дўстликни жудаям қадрлайман. Ўғлимни уйлантиришим муносабати билан ўтказилган тўй маросимида дўстим Муножот Йўлчиеванинг ташрифидан бошим осмонга етганди. Унга қўшиқ айтиб беришини илтимос қилдим, у рад этмади.

Ҳа, ўз фарзандининг тўйида узун адрас либосда, ўзбек мумтоз мусиқасига рақс тушаётган француз хонимини тасаввур қилиш қийиндир, эҳтимол. Аммо ёнидагилари Фредерик хонимни шундай танийдилар. Унинг дўстлари ҳам Шарқ дунёсини чуқур тушунувчи инсонлар. Фарзандларининг "Онамизнинг аждодлари ўзбек бўлган", деган ҳазиломуз гапларига жилмайиб қўя қоладиган хоним қарийб 40 йилдирки, кўнглидаги бу меҳр сабабларини айтиб бера олмайди, бу ҳолга изоҳ топишдан кўра, ҳар гал келганида мамлакат тарихи билан боғлиқ янгиликларни ўрганиб кетишни афзал билади.

Аллақайси эътиқодга кўра, инсон бир неча умрни яшаб ўтиши мумкин экан: турли асрларда, турли қиёфаларда. Агар шу фикрга таянадиган бўлсак, эҳтимол, Фредерик хоним ҳам XV асрларда айнан Самарқандда, янаям аниқроғи, темурийлар саройида яшаган бўлиши мумкин. Унинг Шарқ дунёси, хусусан, Ўзбекистон, Самарқандга нисбатан муҳаббати сабабини аниқлаш учун бошқа изоҳ топа олмадик.

Гулруҳ МЎМИНОВА,
журналист.
ЎзА

Фракция позицияси

ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Азамат ЗИЁ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Бугун мамлакатимизда илм-фан ривожига, илмий салоҳиятни юксалтиришга устувор аҳамият қаратиб келинаётир. Биринчи ўқишда муҳокама қилинган "Фан тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мамлакат илм-фани, илмий салоҳиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ривожлантиришда фан ва техниканинг ҳиссасини ошириш, амалга ошириладиган илмий тадқиқотларнинг сифати, самарадорлигини юксалтириш, илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Мазкур қонун лойиҳасида илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи органларнинг ваколатлари, илмий ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш чора-тадбирлари, илмий ва илмий-техникавий фаолиятни ташкил этиш қоидалари белгиланмоқда. Илмий ва илмий-педагог кадрларнинг давлат аттестацияси, давлат илмий-техникавий экспертизаси, илмий ва илмий-техник натижаларнинг даражаси, иқтисодий самарадорлиги, амалий аҳамиятини комплекс тарзда баҳолаш, мониторинг қилиш каби масалалар ўз ифодасини топмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасидаги ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг тартибга солинишини таъминлайди, илмий ва илмий-техникавий фаолият соҳасидаги тушунчаларни уйғунлаштириш, яхлит тарзда изоҳлаш имкониятини яратади.

Нодиржон МУХТОРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш, мавжуд сайёҳлик салоҳиятидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018–2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқланган Дастур ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Бундан мақсад — фуқароларнинг туризм жабҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ички ва ташқи туризмни ривожлантириш учун шароитлар яратиш, туризм соҳаси билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлиги, аниқлиги ва мослашувчанлигини таъминлашдан иборат. Бу, ўз навбатида, туризм соҳаси субъектлари фаолиятининг шаффофлигини таъминловчи ҳуқуқий механизмларни шакллантиради ҳамда барча даражадаги бюджетларга туризмдан тушадиган даромадларни оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасида туризмни давлат томонидан тартибга солиш қонунчилик билан бирга туроператор ва турагентлар фаолиятини лицензиялаш, жойлаштириш воситалари, туроператорлар хизмати, тоғ-чанғи трассаси, пляжлар, шунингдек, гид, йўрикчи-кузатувчиларни сертификатлаш мажбурияти орқали ҳам амалга оширилиши белгиланган. Туристлар хавфсизлигини таъминлаш учун махсус ваколатли давлат органи туроператор, турагент, турист ва экскурсантларни агар улар вақтинча бўладиган мамлакатда хавфсизликка таҳдид мавжуд бўлса, оммавий ахборот воситаларида маълумотлар бериш орқали хабардор қилиши лозимлиги белгиланган.

Қонун лойиҳаси ҳудудий ва маҳаллий даражада амалга ошириб келинаётган туризм ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ва усулларини умумлаштиради, аниқлаштиради. Унга Ўзбекистон Республикаси туризм ресурслари тўғрисидаги меъёрнинг киритилиши мамлакатимизда ички ва кириш туризмини ривожлантириш учун шароит яратади.

Қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти билан ЎзМТДП дастурий вазифаларига ҳамоҳанг ва уйғун. Шу боис унинг муҳокамасига жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Лойиҳани бугунги давр талабларига мос равишда янада такомиллаштириш зарурати мавжуд. Фракциямиз аъзолари бу жараёнда фаол иштирок этиб, соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Даврон ОРИПОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Айрим кишилар вояга етмаганлар, ногиронлиги бўлган шахслардан фойдаланиб ёхуд ўзини ногирон сифатида кўрсатиб, тиланчиликни касб қилиб олгани ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, йўлнинг транспорт қатнови қисми, хиёбонлар, истироҳат боғлари, бозорлар ва савдо мажмуалари, маданият ёдгорликлари, аэропорт, вокзаллар атрофи, жамоат транспортида бу каби ҳолатларга кўп дуч келамиз. Ички ишлар органлари томонидан 2017 йилда биргина Тошкент шаҳрида 5 мингдан ортиқ шахс тиланчиликни касб қилиб олгани аниқланган. Улардан 4 мингдан зиёди аёллар, шу жумладан, 3 мингдан ортиғини ёш болали аёллар, 100 нафарга яқинини ногиронлиги бўлган шахслар ва қарийб 500 нафарини кекса ёшдагилар ташкил этади. Бундай тоифадаги шахсларнинг тиланчиликни касб қилиб олгани мамлакатимиз ижтимоий ҳаётига ўзининг таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Таъкидлаш жоизки, тиланчиликни ўзига касб қилиб олган шахсларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчилик меъёрлари билан тартибга солинмаган эди. Шу боис "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Тиланчилик қилиш, яъни бегона шахслардан пул, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол ҳаракатлар билан сўраш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Юқорида кўрсатилган ҳаракатлар вояга етмаган ёки кекса ёшдагилар, руҳий касал, ногирон шахсларни жалб этиш, ўзини ногирон шахс сифатида кўрсатиш, ўзга шахсга алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган моддалар истеъмол қилдирган ҳолда уни тиланчилик қилишга ундаш, ундан фойдаланиш орқали содир этилган бўлса, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болалар, вояга етмаган шахслар, ногиронлар ҳамда қариялардан фойдаланиб тиланчилик қилиш, шунингдек, уларнинг бекорчи ва боқиманда шахс бўлиб шаклланиши, транспорт воситалари чорраҳаларда туриб қолиб, тирбандлик ҳосил бўлиши, ҳайдовчиларнинг чалғиши оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши, қолаверса, хорижий сайёҳларда Ўзбекистонда фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳолати ҳақида нотўғри тушунча ва салбий фикрлар шаклланишининг олдини олади, мамлакатимизнинг туристик жозибадорлигини оширади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қонун кучга кирди

ЧИЛИМ ВА ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР:

БУ БОРАДАГИ МУНОСАБАТЛАР ЭНДИ ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бугун аҳоли, хусусан, ёшлар саломатлигини сақлаш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Шу боис бу қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши фарзандларимизни ушбу зарарли одатлардан ҳимоя қилиш, ёшлар орасида кенг тарқалишига йўл қўймаслик, ушбу маҳсулотлар истеъмол қилиниши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатлар, шунингдек, гуруҳ бўлиб чекиш оқибатида тарқалиш эҳтимоли юқори бўлган юқумли касалликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Яъни қонун профилактик аҳамиятга эга ҳужжатдир. Фарзандларимизни бу каби зарарли одатлардан асраш унинг аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарқалишининг олдини олиш билан бирга ўғил-қизларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.



ЎзМТДП фракцияси аъзолари томонидан чилим ва электрон сигареталарни истеъмол қилишнинг зарарли оқибатлари ўрганилганида, уларни чекиш инсон саломатлигига тамаки маҳсулотларига нисбатан кам таъсир этиши тўғрисидаги қарашларнинг нотўғри эканлигини кўрсатди. Хусусан, чилим ва электрон сигареталар чекишда ҳосил бўладиган аэрозол ҳамда тутуннинг зарари оддий сигаретаникидан бир неча баробар юқори. Чилим чекиш жараёнида организмга ис газидан ташқари катта миқдорда хром, никотин, қўрғошин, смола, бензоллар, полициклик углеводлар, карбоксигемоглобин ва бошқа зарарли бирлашмаларнинг тушиши юрак қон-томир, ўпка, нафас йўллари касалликларига, асаб, овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятининг бузилишига, онкологик касалликлар келиб чиқишига, репродуктив қобилиятнинг сусайишига олиб келади.

Электрон сигарета чекиш давомида пайдо бўладиган буғли-тутунли аралашма кучли канцероген таъсирга эга бўлиб жигар, буйрак, нафас олиш органлари ва иммун тизимига жиддий путур етказади, тери касалликларини келтириб чиқаради. Ундан-да ачинарлиси, агар аёл киши чилим ва электрон сигареталарни чекишда пайдо бўладиган моддалардан заҳарланса, ҳомиласи вақтидан олдин ҳамда кам вазн билан туғилиш эҳтимоли катта. Бу эса ҳатто чақалоқлар ўлими кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Чилим ва электрон сигареталарни гуруҳ бўлиб чекиш эса гигиена талаб ва қоидаларига мос эмас. Чунки бунда турли юқумли касалликларнинг юқиш хавфи ортади.

Мамлакатимизда шу пайтгача чилим ва электрон сигареталар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат мавжуд эмас эди. Шу боис мазкур қонуннинг амалга киритилиши долзарб аҳамиятга эга. Қонунда чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклашга доир асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган, уларнинг рекламасини чеклаш, тарғибот қилишни тақиқлашга оид меъёрлар киритилган. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталарни чекишни чеклаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга масъул шахслар, уларнинг мажбуриятлари белгилаб қўйилди. Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш бўйича профилактик чора-тадбирлар, уларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхоналар (муассасалар), ташкилотлар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг иштироки ўз ифодасини топган.

Қонуннинг 6-моддасида чилим ва электрон сигареталар чекишга йўл қўйилмайдиган жамоат жойлари аниқ кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, уларнинг бутунлай чекланмаганлиги, яъни жамоат жойларида белгиланган тартиб ва талаблар (хона жиҳозлари, чилим ва электрон сигареталардан фойдаланиш тартиби, уларни санитария талабларига риоя қилган ҳолатда сақлаш ва бошқа талаблар)га жавоб берадиган алоҳида хоналарда чекишга рухсат этилиши белгилаб берилган.

Қонунда назорат қилувчи шахслар ҳам аниқлаштирилган. Унга ушбу маҳсулотларни чекиш чекланадиган жамоат жойлари маъмурияти тегишлилиги бўйича назорат олиб боради. Агар ҳуқуқбузарлик такрорий содир этилган тақдирда ички ишлар органларига хабар берилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни дунёга келтириш, тарбиялаш, улар ўртасидаги салбий ҳолатларга барҳам бериш, айниқса, уюшмаган ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Мазкур қонун ҳам жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекиш кенг тарқалишининг олдини олиш баробарида ёшларни бу каби иллатлардан асраб-авайлашда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, чекмайдиган фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, аҳоли саломатлигини сақлаш, чилим ва электрон сигареталар чекилиши натижасида келиб чиқадиган салбий оқибатлар, жумладан, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга хизмат қилади. Галдаги вазифамиз эса ушбу қонуннинг амалга татбиқ этилишини таъминлаш, ижросини назорат қилишдан иборат. Бу жараёнда нафақат тегишли мутасаддилар, балки ҳар бир фуқаро жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида фаол қатнашиб, юртдошларимиз, айниқса, ўғил-қизларимиз саломатлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Зумрад БЕКАТОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Назорат ва таҳлил

ХОРАЗМДА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ишчи гуруҳ мазкур обидаларнинг барчасини тўлиқ инвентаризация қилиш, давлат муҳофазасига олиш ва улардан фойдаланишга доир мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов ишчи гуруҳ билан биргаликда Қўшкўпир, Ҳазорасп ва Гурлан туманларидаги мавжуд маданий мерос объектларида бўлиб, уларнинг бугунги ҳолати билан танишди.

Қўшкўпир тумани Шихмашҳад қишлоғида жойлашган Иморат бобо ёдгорлик мажмуаси хоразмликлар мунтазам зиёрат қиладиган муқаддас қадамжолардан биридир. Мажмуа ҳудудида 1795 йилда барпо этилган масжид, Саид Шаҳоат Азиз, Иморат бобо ҳамда Мир Муҳаммад Азиз мақбараси бор.

Ўрганишлар давомида ёдгорликни муҳофаза қилиш борасида талай муаммолар борлиги аниқланди. Ёдгорлик мажмуаси, энг аввало, марказий йўлга яқин жойлашган. Мунтазам транспорт қатнови мақбараларга салбий таъсир кўрсатмоқда, ташқи таъсир натижасида у нурай бошлаган. Ободонлаштириш ишлари ўлда-жўлда: охирига етказилмаган, қолаверса, объект ҳудудининг ҳимоя чегаралари ҳам ҳали аниқланмаган. Мавжуд камчиликлар тегишли ташкилотлар мутасаддиларига етказилиб, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши белгилаб олинди.

Партия етакчиси ва ишчи гуруҳ вакилларининг Ҳазорасп туманидаги ўрганишлари ҳам самарали бўлди. Тумандаги Сулаймонқалъа (Ҳазорасп) қалъасининг тарихи олис мозийга, антик даврларга бориб тақалади. Жумладан, қалъа "Авесто" китобида ҳам тилга олинган бўлиб, у Ходрос (Хозорос) шаклида қайд этилган.

Бизгача етиб келган ушбу қадимий тарихий обида ўтмиши, кечмиши билан сайёҳларнинг эътиборини тортиши шубҳасиз. Қалъани асрабавайлаш, бу ҳудудда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш юзасидан ҳукумат қарори қабул қилинган. Хўш, ушбу қарор ижроси бугун қай даражада таъминланмоқда? Сулаймонқалъа ёдгорлиги жойлашган ҳудудда амалга оширилаётган ишлар кўнгилдагидекми? Ишчи гуруҳ вакиллари ана шундай саволларга жавоб топиш мақсадида қалъада олиб борилаётган ишларни назорат тартибида ўргандилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, халқ депутатлари Хазорасп туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари маданий мерос объектлари мухофазаси бўйича сессияга ташаббус-масала киритган ва қарор қабул қилинган эди. Ана шу қарор ижросини таъминлаш бўйича туманда бир қанча амалий ишлар қилинди. Хусусан, айни пайтда, қалъа девори атрофида ҳомийлар томонидан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда: орқа томонида меҳмонхона, ошхона, ҳунармандчилик дўкони қурилди; қалъа ичида жойлашган 68 уйда яшайдиган аҳолини бошқа жойга кўчириш ишлари бошлаб юборилган. Қалъанинг олд томонида 310 метрлик пиёдалар йўлакчаси ётқизилмоқда, туристик саёҳат автомобиллари учун янги йўл бунёд этилаётир. Зах сувларни қочириш учун заҳкаш қазилди. Бундан ташқари, қалъа ичкарисидаги Жума масжиди реставрация қилинмоқда.

— Қадимий тарихга эга мазкур ёдгорликни сайёҳлар учун севимли масканга айлантириш, бу ерга келувчилар сонини янада кўпайтириш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди партия вилоят кенгаши раиси, ишчи гуруҳ раҳбари Ражаббой Рўзметов. — Биз партия вакилларининг асосий вазифаси бу ишларнинг сифатли бажарилиши ва ўз муддатида якунланишини назорат қилишдан иборат.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Гурлан туманида бўлиб, тумандаги мавжуд еттита маданий мерос объекти (шундан 1 таси архитектура, 6 таси монументал санъат ёдгорлиги) ҳолатини ўргандилар. Жумладан, XIV–XIX асрларга тааллуқли Усмон Саидбобо мақбарасини ўрганиш давомида ушбу маданий мерос объектини атроф-муҳит таъсири, яъни ёғингарчилик, шўрланиш, ер ости сувлари ектазадиган зарарлардан муҳофаза қилиш, мақбаранинг тарихини чуқур ўрганиш зарурлиги қайд этилди. "Ермулккадастр" ДК Гурлан туман филиали бошлиғи Б.Болтаев ва туман бош архитектори П.Болтабоевга ёдгорликнинг кадастр ҳужжатини ишлаб чиқиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилаётган ишлар юртимизнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш, ҳали тўла ўрганилмаган объектлар сир-асрорини, тарихини тадқиқ этиш, шунингдек, уларнинг туризм маршрутига киритилишида муҳим аҳамиятга эга. Қадимий диёримизнинг ўзига хос маданияти, турмуши, маҳобатли обидалари барча замонда ҳам хорижий сайёҳларнинг қизиқиш ва эътиборини тортиб келган. Шундай экан, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, юртимизга келувчи сайёҳлар сонини ошириш — долзарб вазифа саналади. Бу ишларда ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатларнинг камарбаста бўлаётгани унинг жамиятдаги нуфузи ошишига хизмат қилади.

Алишер РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

MILLIY TIKLANISH
41 (525) 2018 йил 10 октябрь, чоршанба

Ташаббус натижа берди

НАЗОРАТСИЗЛИК ЖИНОЯТГА ЙЎЛ ОЧАДИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЯНГИЕР ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ЎзМТДП ГУРУҲИ СЕССИЯГА МАСАЛА КИРИТДИ

"Анчадан буён нотинч оилалар рўйхатида тураман. Авваллари бунинг маъносини тушунмаган эканман. Одамнинг ҳаёти, туриш-турмушида оиласи муҳим ўрин тутишини энди билдим. Оиламизнинг нотинчлиги фарзандларим тарбиясига ўз таъсирини ўтказди. Бугун бошим деворга урилиб, эл-юрт ичида уятга қолганимдан кейин ҳаётда адашганимни англадим. Ғўрлик қилиб, ичкиликка берилдим, уйда доим жанжал чиқариб, арзимаган сабаблар билан хотиним ва болаларимни дўппослардим. Шундай қилиб, фарзандларим тарбиясига бефарқ бўлдим, на ўқиши, на ўртоқлари билан қизиқдим. Орадан йиллар ўтиб, фарзандларимнинг бўйи чўзилди, мактабда дарс қолдирадиган, тунда изғиб, кундузи ухлайдиган, ичиб-чекадиган одат чиқарди. Кун келиб, катта ўғлим жиноятга, кичиги ҳуқуқбузарликка қўл урди. Бугун ёшим элликка кирмай, қаддим букилиб, бошим эгилиб қолди"...

Янгиер шаҳрида яшовчи К.Х.нинг бу гаплари фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни беқиёс эканига яққол далил. Ва яна айни пайтда жамиятимизда кўп бора тилга олинаётган вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларига янада эътиборли бўлишимизни тақозо этади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, уларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган, якка тартибдаги профилактика иши билан биргаликда амалга оширилади ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими алоҳида белгилаб қўйилган. Шунингдек, шу йилнинг 27 июлида Президентимиз раислигида ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, уларга психологик ёрдам кўрсатиш масалалари кенг муҳокама қилинган эди.

Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари ҳудудда бу борада олиб борилаётган ишларни ўрганиш, жумладан, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ташаббус-масалани Кенгаш сессиясига олиб чиққан, ўрганиш натижалари атрофлича муҳокама қилиниб, чора-тадбирлар белгиланган эди. Сессиядан сўнг ўтган давр мобайнида бир қанча амалий иш ҳам қилинди.

Ғайрат РАҲИМОВ,
халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:

— Ушбу масалани сессияга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда киритдик. Сессиядан сўнг ЎзМТДП гуруҳи ва тегишли ташкилотлар мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Ўтган давр мобайнида мазкур ишчи гуруҳ бу борада олиб борилаётган ишларни обдон ўрганди, йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни аниқлади. 2018 йилнинг охирги уч ойида вояга етмаганлар ҳамда уларнинг ота-оналарининг ғайриҳуқуқий ҳаракати ва ҳуқуқбузарлигига доир 37 ҳужжат тақдим этилган бўлиб, 36 ҳолат бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга биноан жарима белгиланди, бир нафар вояга етмаган шахс ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилди. Шунингдек, икки нафар қаровсиз вояга етмаган бола ҳомийликка, беш нафари васийликка берилди. Тан олиш керак, сессиядан сўнг шаҳарда бу борада олиб борилаётган ишлар доираси анча кенгайди. Хусусан, хотин-қизлар қўмитаси, прокуратура, ички ишлар, халқ таълими бўлимлари, Ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши ҳамда Бандликка кўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳамда ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ОИТС, гиёҳвандлик ва бошқа зарарли одатларга қарши курашиш, уларнинг ҳуқуқий онги, маънавиятини оширишга қаратилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, таълим муассасаларида турли учрашув, давра суҳбати, семинар, кўрик-танлов, шеърхонлик кечаси ва иншолар танловлари ўтказилди. Қувонарлиси, сессиядан сўнг шаҳарда вояга етмаганлар томонидан жиноят, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари умуман содир этилмади. Бу эса ЎзМТДПнинг масъул ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари бесамар кетмаётгани, ташаббус натижа берганини намоён этади.

Анвар БОБОЖОНОВ,
Янгиер шаҳар ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш гуруҳи инспектори:

— Сессиядан сўнг вояга етмаган болалар дарс машғулотлари ҳамда тунги вақтларда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар назоратисиз юришининг олдини олишга қаратилган бир қанча тадбир, жумладан, 15 марта рейд ўтказилди. Ана шу жараёнда қўлга олинган жами 11 нафар вояга етмаган ички ишлар бўлимларининг "Вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази"га жойлаштирилди. Бундан ташқари, таълим муассасаларидаги дарс машғулотларига қатнашмаётган 18 ўқувчи ўқишга қайтарилди. Фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар профилактик ҳисобга олинмоқда. Чунки вояга етмаган шахслар томонидан содир этилаётган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар ҳолати таҳлил қилинганда, бу ишга асосан, нотинч оилаларнинг фарзандлари қўл ураётгани аниқланди. Шаҳримиздаги барча таълим муассасаларининг "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси, "Ватанпарвар" ташкилоти, Вояга етмаганлар билан ишлаш идоралараро комиссияси, тиббиёт бирлашмаси, Ёшлар иттифоқи шаҳар бўлими, "Баркамол авлод" болалар маркази билан ҳамкорликда маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилди. Вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ҳамкорликда тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказилиб, таълим муассасаларидаги фан ва спорт тўгараклари мунтазам равишда ўрганилмоқда.

Асадбек ҚАНОХАТОВ,
ЎзМТДП Янгиер шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Янгиер шаҳрида айни пайтда 41,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан 14 мингга яқини ёки 32,6 фоизи вояга етмаганлардан иборат. Бу эса уларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етишини таъминлаш, оилаларда соғлом муҳитни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Айни шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуни мазмун-моҳиятини аҳоли ва ўқувчи-талабалар ўртасида тарғиб қилишга қаратилган 40дан ортиқ йиғилиш, учрашув ва давра суҳбати ўтказилди. Бундан ташқари, маҳаллаларда ушбу қонунда алоҳида белгилаб қўйилган фарзанд тарбиясида ота-оналарнинг масъулиятини ошириш юзасидан фуқаролар билан учрашувлар ташкил қилинмоқда. Жорий йилда шаҳар ИИБда профилактик ҳисобда турган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил 25 нафар вояга етмаганлар билан йиғилиш ўтказилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди. Айниқса, оғир турмуш шароитида яшаётган, нотинч оилаларда улғаяётган болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтини фойдали меҳнат билан банд қилиш, уларни тўгаракларга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб маъмурияти томонидан ўқувчиларни қонунга хилоф равишда мактабдан ҳайдаш, уларга мажбурий таълим беришдан бош тортиш ҳолатларининг олдини олиш чоралари белгиланди.

Умида УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат сўров киритди

ОДАМЛАРНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ

ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ МЕЗОН

Одамлар муаммоси билан ҳамнафас яшаш — депутат зиммасидаги муҳим вазифа. Мамлакатимизда халқ манфаатларига олий қадрият сифатида қаралаётгани, мавжуд муаммо-масалаларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Халқ депутатлари Китоб туман Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутат Гуландом Сатторова ҳам асосий эътиборни одамлар дарди, ташвиши, ҳудуддаги турли масалалар ечимига қаратмоқда.

— 2018 йилнинг шу даврига қадар халқ депутатлари Китоб туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз аъзолари ташаббуси билан турли ташкилот ва мутасаддиларга 70дан ортиқ депутатлик сўрови юборилди, — дейди депутат Г.Сатторова. — Уларнинг деярли ҳаммаси ижобий ечим топиб келяпти. Йўл, коммунал соҳа, ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, сув, электр, газ ва шу каби барча йўналишдаги муаммо ва масалалар яқиндан ўрганилиб, керак бўлса, улар ўз жойида бартараф этиб бориляпти. Энг муҳими, бундан одамлар мамнун. Ўз ўрнида мутасаддилар ҳам мурожаатларимизни эътиборсиз қолдирмаётгани ишимизнинг унумли ва фаолиятимизнинг самарали бўлишини таъминлаётир.

Масалан, "Панжи" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Панжи қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Шуҳрат Обидовнинг ўз уйида кутубхона ташкил этиш бўйича мурожаати юзасидан туман ахборот-ресурс марказига депутатлик сўрови юборилди. Мазкур сўров ўзининг ижобий натижасини бериб, айни пайтда ҳомий ташкилотлар, маҳалладаги тадбиркор ва фаоллар кўмагида Ш.Обидовнинг хонадонида 2 минг китоб фондига эга кутубхона ташкил этилди. Бу эзгу саъй-ҳаракат ҳудуддаги китобхонлар, ўқувчи-ёшлар учун айни муддао бўлмоқда. Ушбу кутубхонадан бадиий адабиётлардан ташқари турли ўқув қўлланма ва дарсликлар ҳам ўрин олган.

— Ёшлигимдан ўзимнинг шахсий кутубхонам бўлишини ва у орқали инсонларга зиё улашишни орзу қилар эдим. Мана, ниҳоят бу эзгу орзуим амалга ошди, — дейди Шуҳрат Обидов. — Ушбу мўъжаз кутубхонамизга келувчи ўқувчилар сони кун сайин кўпаяётгани, уларнинг маънавият, маърифат билан ошно бўлишга интилаётганини кўриб, қувончим чексиз. Юртимизда китобхонликка алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларга ўз ҳиссамни қўшиш имконига эга бўлганимдан фахрланаман.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу боис депутат Гуландом Сатторова ҳудуддаги маданий мерос объектларини ободонлаштириш ва асраб-авайлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашади. Жумладан, у "Паландара" маҳалла фуқаролар йиғини Мўғил қишлоғидаги Хўжа Неъматулло зиёратгоҳига олиб борадиган икки километрлик йўлни таъмирлаш бўйича туман ҳокимлигига депутатлик сўрови юборди. Мазкур сўров ўз самарасини бериб, зиёратгоҳга олиб борадиган йўл қайта таъмирланди — тош тўкилиб, қатновчилар учун қулайликлар яратилди. Авваллари ёзда тупроқ, қишда лой ва сув кечиб келган зиёратчиларнинг ҳозирда мушкуллари осон бўлди.

Маданий мерос объектларини асраш борасидаги энг муҳим ишлардан яна бири бу "Варганза" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги эски Вахдат жомеъ масжидида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларидир. Депутатнинг туман ҳокимлиги мутасаддиларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига хат билан чиққани айни пайтда бундай эзгу ишнинг қизғин ва тизимли боришига хизмат қилмоқда. Таъмирлаш ишларидан сўнг мазкур жомеъ масжиди янада кўркам қиёфада бўй кўрсатиши, шубҳасиз.

Бугунги кунда кўпгина катта-кичик дарё ўзанларидан қум ва шағал олиниши оқибатида атроф-муҳит ва ҳавонинг зарарланиши, дарё ўзанларининг ўзгариши ва бошқа турли муаммолар юзага келаётгани сир эмас. Жумладан, туманнинг "Бештерак" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қашқадарё ўзанидан қум ва шағал олиниши оқибатида дарё ўзани пасайиб қолган ҳамда баъзи экологик омиллар юзага келган. Депутат аҳолининг бу борадаги мурожаатлари юзасидан туман ҳокимлигига сўров юбориб, масаланинг ижобий ҳал этилишига кўмаклашди.

Гуландом Сатторова шунингдек, "Тўпчоқ" МФЙ Искана қишлоғидаги изланувчан ёшлардан бўлган Тоҳир Қудратовнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун туман ҳокимлигининг архитектура бўлимига мурожаат қилиб, унга 6 сотих ер олиб беришда амалий ёрдам кўрсатди. Ёш тадбиркор бугунги кунда ғишт, кафел ва бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқараётир. Ушбу фаолияти орқали 8 киши иш билан таъминланди. Бунда ташаббускор депутатнинг ҳам ҳиссаси борлиги аҳолининг ўз вакилларига нисбатан ишончини орттирмоқда.

Шунингдек, депутатнинг "Уйма-уй", "Хизмат — беминнат" сингари лойиҳа ҳамда сайёр қабуллар доирасида "Кўхсор", "Аёқчи", "Яккатут", "Чармгар", "Мустақиллик" ва Ҳамид Олимжон маҳалла фуқаролар йиғинида хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, тиббиёт, таълим ва ижтимоий соҳалардаги қатор масалаларни бартараф этиш юзасидан олиб борган ишлари ҳам эътиборга сазовор.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳудудий кенгашлар фаолиятидан

ЧОРТОҚНИНГ ЭНГ ОЛИС ҲУДУДИДА ТИББИЙ КЎРИК ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

УНДА МИНГГА ЯҚИН АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад — халқимизга хизмат қилиш ва одамларни бугунги кундан рози бўлиб яшашларини таъминлашдан иборат. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Наманган вилоятидаги ҳудудий ташкилотлари олиб бораётган "Уйма-уй" ва "Сайёр қабул" каби амалий тадбирлар ҳам ана шундай мақсадга қаратилгани билан эътиборга молик.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш асосий мақсад-вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Чортоқ туманининг қўшни Қирғизистон Республикаси Караван шаҳри билан чегарадош ҳудуди — Ҳазратишоҳ қишлоғида ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши "Аёллар қаноти", Чортоқ тумани партия ташкилоти ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан "Соғлом ҳаёт — соғлом келажак" шиори остида ташкил этилган соғломлаштириш акцияси ушбу дастурий вазифалар ижросига қаратилди.

— Ҳазратишоҳ қишлоғи вилоятимизнинг олис манзилларидан бири бўлиб, туман марказидан 45 километр узоқликда жойлашган, — дейди ЎзМТДП Чортоқ тумани кенгаши раиси Дилафрўз Ҳамрохўжаева. — Табиийки, бу ҳудуд аҳолиси учун бир қанча ноқулайлик ва қийинчиликларни келтириб чиқаради. Аҳолининг айниқса, малакали тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш борасида талай муаммо мавжуд. Шу йилнинг ёз ойларида "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида қишлоқ аҳолиси хонадонларида бўлганимизда, фуқаролардан оналар ва болалар учун тиббий кўрик ташкил этиш борасида мурожаат келиб тушганди. Бу масала туман партия ташкилоти ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи саъй-ҳаракати билан ижобий ҳал этилди.

Мазкур кўрикка, асосан, фертиль ёшидаги аёллар, болалар, кексалар ҳамда тиббий профилактик ҳисобда турувчи фуқаролар жалб қилинди.

— Саломатлик тарғиботи кунида вилоят даволаш-профилактика муассасалари ва туман тиббиёт бирлашмасининг малакали шифокорлари хусусан, 20га яқин тор соҳадаги мутахассислар

фуқароларни чуқурлаштирилган тиббий кўрик, шунингдек, УЗИ, ЭКГ текширувларидан ўтказди, — дейди халқ депутатлари Чортоқ тумани Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Гулнора Камолова. — Уларга жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилада тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом ва рационал овқатланиш каби мавзуларда тушунчалар берилиб, тиббий қўлланмалар тарқатилди. Бундан ташқари, фитобар хизмати ҳам йўлга қўйилиб, унда мавсумий касалликларга шифо бўладиган доривор ўсимликлардан дамламалар тайёрлаш усуллари ўргатилди.

Ҳазратишоҳ қишлоқ врачлик пункти патронаж хизматининг олий тоифали ҳамшираси Гулноза Аҳмедованинг таъкидлашича, мазкур ҚВП Ҳазратишоҳ, Зангиобод ва Тўриқ маҳаллаларида истиқомат қилувчи 7,5 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Таркибида 20га яқин тиббиёт ходимларини жамлаган бу масканнинг имкониятлари аҳоли сонини ҳисобга олганда, етарли бўлмаслиги табиий. Шу боис кўрикка вилоят марказида жойлашган тиббиёт масканларидан малакали шифокорлар таклиф қилинди. Айниқса, педиатрия, гинекология, урология, кардиология, неврология каби тиббиёт соҳаларида катта тажрибага эга бўлган врачлар кўрикка келган айрим фуқароларда юрак-қон томир, нафас олиш аъзолари, асаб тизими ва овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ салбий аломатлар мавжудлигини барвақт аниқлаб, ташхис қўйдилар. Бундай касалликлар аниқланган 126 фуқарога амбулатор шароитда даволаниш учун йўлланмалар берилди. Етти нафар бола эса туман тиббиёт бирлашмаси шифохонасида даволанишга юборилди.

Эътиборлиси, акцияга аҳоли хонадонларида бўлиб ўтган мулоқотларда тиббий кўрикка эҳтиёжи аниқланган ва бу борада партия туман ташкилотига мурожаат қилган беморлар ҳам қамраб олинди. Хусусан, "Зангиобод" маҳалла фуқаролар йиғини Соҳилбўйи кўчаси 23-уйда яшовчи Самида Нишонова кўрикка 5 ёшли фарзанди билан бирга борди. Кўрик давомида шифокорлар томонидан ёш онанинг ўғлида аллергия аломатлари, борлиги аниқланиб, зарур тавсиялар берилди.

Тўриқ маҳалласи Ёшлик кўчасида истиқомат қилувчи уй бекаси Муҳаббат Мамажонованинг тўнғич фарзанди камқонликдан азият чекаётгани маълум бўлди. Она ва унинг фарзандлари қишлоқ врачлик пунктининг ҳудудий шифохонаси томонидан амбулатор назоратга олинди.

— Соғломлаштириш кунида, айниқса, ёши улуғ инсонлар, аёллар ва болалар соғлигига алоҳида эътибор кўрсатилаётганидан жуда мамнун бўлдик, — дейди Зангиобод маҳалласида яшовчи Мағфиратхон Убайдуллаева. — Кўрикка келинимни ҳам олиб келгандим. Шифокорлар ҳомиладор келинимни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди, зарур тавсиялар берилди. Бунинг учун ташкилотчиларга, хусусан, партия ва унинг депутатларига раҳмат айтамиз.

Тадбир доирасида уйда ётиб қолган беморлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларининг хонадонларига ҳам борилиб, тиббий кўрик амалга оширилди. Хусусан, "Зангиобод" маҳалла фуқаролар йиғини Соҳилбўйи кўчасида яшовчи 72 ёшли Чиннихон Жаҳонгирова офтальмолог ва терапевт кўригидан ўтказилиб, қишлоқ врачлик пунктининг доимий назоратига олинди.

Партия туман кенгаши ҳамда халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи соғломлаштириш тадбирларини туман ҳудудидаги бошқа қишлоқларда ташкил этишни кўзда тутган.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТ — ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ КЎЗГУСИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Жамиятдаги янгиланишлар, ислоҳотлар муваффақияти, юрт ободлиги ва тинчлигининг барқарор бўлиши дейсизми, хуллас, буларнинг барча-барчаси энг аввало, инсон омили билан боғлиқ, яъни ўзликни англашга бориб тақалади. Шахс ўзлигини англамагунича, миллат, жамият ўзлигини англамайди. Хусусан, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг туб моҳияти ҳам ана шунга қаратилган. Уларнинг замирида ўзбек ким, ўзбекистонлик ким, ҳар ким ўзини англаб, таниб олсин, заминга оёғини мустаҳкам қўйсин, бошини баланд тутсин, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, мустақилликнинг дастлабки босқичини босиб ўтдик, ютуқларимиз ҳам, бой берилган имкониятлар ҳам ўзимизники, ҳаёт кутиб турмайди, у жадаллик билан олға интилишга дават қилади, деган тушунчалар илгари сурилмоқда...

Ахтам ТУРСУНОВ: — Танланган мавзу жуда залворли. Шу билан бирга, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ғоя ва мақсадларига ҳамоҳанг ва уйғун. Чунки ўзликни англамай туриб, ҳеч қандай масаланинг ечимига эришиш мумкин эмас. Ўзлик ҳақида қадимий манбалар, хусусан, "Авесто"да ҳам инсон нималарга интилиши, нимани хоҳлаши ҳақида фикрлар келтирилган. Инсон жуда кўп нарсага эришишни истайди, бироқ уларнинг ҳаммасини бир ўзи қўлга киритолмайди, имконияти етмайди. Шунинг учун жамоаларга бирлашади. Буни партиялар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, ЎзМТДПга аъзо бўлишдан мақсад бир ғоя остида бирлашиш ва уни амалга ошириш. Ғояминг нима? Миллий қадрият, анъана, урф-одатларни чуқурроқ ўрганиш, илмий асослаш, уларни тарғиб қилиш, асраб-авайлаш ва уларга замонавий руҳ киритиб, бойитган ҳолда келажак авлодга етказиш. Бу нарсаларга қандай эришиш мумкин? Бунда инсон, энг аввало, ўзига ўзи назоратчи бўлиши талаб этилади. Сиз ўзингизни назорат қилолмасангиз, бошқалар сизни назорат қила бошлайди, кейин сизда унга қарши иммунитет пайдо бўлади. Охир-оқибат сиз унга қарши курашиш билан овора бўлиб қоласиз ва асосий мақсаддан чекинасиз. Бундай бўлмаслиги учун ҳар бир инсон, аввало, ўзининг авлод-аждоди, Ватани ва дунё тарихини яхши билиши керак. Айни шу нарса ўзликни англаш демакдир.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Мустақиллик арафасидаги юртимизда, жамиятда юзага келган мураккабликлар, қийинчиликлар Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобида теран баён қилинган. Ана шундай қийин, мураккабдан-мураккаб босқичларнинг бевосита гувоҳисиз, айтиш мумкинки, иштирокчисисиз. Яъни, мамлакатда сиёсий-иқтисодий ҳолат ғоят танг, сабру бардош ҳар лаҳзада синовдан ўтиб турган даврда — энг нозик, энг қалтис вазиятларда масъулиятли вазифаларда фаолият юритгансиз — мустақилликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшгансиз. Ўша давр мураккабликлари, дунёга энди-энди ўз сўзини айта бошлаган мустақил юртда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини оширишга қаратилган ишлар, қонун ижодкорлиги, жамиятдаги ўзгаришлар ва янгиликлар силсиласидаги миллий ўзликни йўқотмасликка бўлган интилиш, амалий ҳаракатлар ҳақида фикрлашсак...

Ахтам ТУРСУНОВ: — Озодликка эришганимиздан сўнг мустақиллик парламенти вужудга келди. Ундан олдин ҳам парламентга ўхшаш ташкилот бўлган. Лекин у собиқ иттифоқ сиёсатини, унда қабул қилинган қонунлар ёки айнан Ўзбекистон учун мўлжалланган қонунларнинг расмийлаштирилишида қатнашган, холос. Шу боис ҳам у пайтларда Ўзбекистонни мустаҳкам парламент тарихига эга давлат, деб айтиш мушкул эди. Лекин мутлақо бўлмаган, деб ҳам айтаолмаймиз, чунки парламент элементлари, қирралари амал қилган. У ерда ҳам қонунлар номига бўлса-да, муҳокама қилинган, лекин парламент сифатида ўзига тегишли бўлган масалаларни мустақил ҳал қиладиган тузилма бўлмаган. Шундай бўлса-да, мустақиллик арафасида ўша парламентда қабул қилинган айрим қонунлар юртимиз озодлигига йўл очиб берган, десак хато бўлмайди. Масалан, парламентга сайловлар тўғрисидаги қонун, Мустақиллик декларацияси шулар жумласидан. Унинг фаолияти мустақил парламент ташкил этилгунича давом этган.

Шу ўринда сал илгарилаб кетсак-да, айтишим жоиз, мустақиллик парламенти асосан, 1994 йил 25 декабрдаги сайловлардан кейин шакллантирилди ва 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб фаолият кўрсата бошлади.

Юртимизда парламент шаклланишининг босқичлари бор. Биринчиси, 1991 йилдан 1994 йилгача, бу мустақилликка ўтиш давридаги парламент фаолияти, деб ҳам аталади. Эътибор қаратсак, ўша парламент давлатимиз Конституциясини ҳам, Мустақиллик декларациясини ҳам қабул қилган. Бу қандай амалга ошган? Ушбу жараёнда бошқа турли хил бошқарув тизимига амал қиладиган кўплаб давлатларнинг конституциялари, уларнинг тажрибаси ўрганилган. Лекин улардан кўр-кўрона кўчирилмаган. Айнан ўзбек халқига, давлатига мос қайсидир жиҳатлари, элементлари олинган, холос. Миллий қонунчилигимиз ўзлигимизга хос шакллантирилган, яъни Конституциямиз ўзлигимиздан келиб чиққан ҳолда тайёрланган ва қабул қилинган. Албатта, Конституциямизга ўша даврдан бери бир неча марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бироқ асосий негизи мустаҳкам шакллантирилган.

1994 йилда биринчи марта кўп партиявийлик асосида сайлов бўлиб ўтди. Унда Халқ демократик партияси ва "Ватан тараққиёти" партияси иштирок этди. У даврдаги сайлов билан ҳозирги кундагиси қиёсланса, катта тафовут борлиги кўринади. Ўша сайловда иккита партия билан жуда катта куч кураш олиб борган. Улар ҳокимият вакиллик органлари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари эди. Партиялар давлатда янги пайдо бўлган сиёсий тузилма бўлиб, ҳали мустаҳкам илдиз отмаган эди. Айниқса, "Ватан тараққиёти" партияси. У 1992 йилда ташкил этилиб, 1994 йилги сайловда иштирок этди. Шу боис сайловда партия жуда кам овоз тўплаган. Халқ демократик партияси 69, "Ватан тараққиёти" партияси 14 та ўринга эга бўлган. Ўша даврдаги қонун ташаббускорлиги бўйича депутатларда тажриба деярли йўқ бўлган. Ҳатто юриспруденция соҳасида фаолият юритган депутатларда ҳам фақат назарий билим билан чегараланиб, амалда қонун қандай тузилишини билмас эди. Қонунлар муҳокамаси жараёнида ҳам сиёсий партияларнинг ўрни, роли деярли сезилмади, парламентда ҳокимият вакиллик органлари депутатлари кўпчиликни ташкил қиларди. Партиядан сайланган депутатлар ҳам доимий асосда ишлаган эмас. Улар вақти-вақти билан парламент сессияларига чақирилгандагина келиб партия билан ишлаган, холос. Доимий асосда кўпи билан 20–30 депутат фаолият олиб борган.

Ўша вақтдаги ва ҳозирги парламент депутатларини образли айтганда, бир ёшга тўлмаган гўдак ва 27 ёшга кирган — ўзини таниган, билими, дунёқараши кенг йигитга қиёслаш мумкин. Чунки ҳозирги парламентимизда депутатларнинг имкониятлари жуда катта, қамрови кенг. Бундан ташқари, уларнинг ортида салмоқли тажрибага эга сиёсий партияси ҳам бор. Улар ҳам доимий равишда депутатларни қўллаб-қувватлайди. Дастлабки мустақиллик парламентида замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш у ёқда турсин, бундай атаманинг ўзи бўлмаган. Ҳозирги кунда эса илғор технологиялардан фойдалана билмайдиган одамнинг ўзи йўқ.

Шундай экан, илк парламент тузилган даврлардан яхши хабардор бўлиш, хато-камчиликларни ўрганиш ва улардан тегишли хулоса чиқариш зинҳор зарар қилмайди. Хабарингиз бор, яқинда Нобель мукофоти лауреати, машҳур олим Рёдзи Ноёри Ўзбекистонга келди. У айтган бир фикр менга жуда маъқул келди: жамиятда ҳар бир одамга шундай имконият яратиш керакки, у ўз фикри ва ғоясини бемалол айта олсин. Одамларни шунга ўргатишимиз керак. У хато гапиряпман, деб қўрқмаслиги керак. Савол беришда ҳам, жавоб беришда ҳам фикрни баён қилишдан қўрқмаслик керак. Ўшандагина жамият тараққий топади, ривожланади. Масалан, мен бир фикр айтсам, сиз унинг хато эканини билсангиз, тўғрилайсиз. Ана шундай муҳокамалар жараёнида энг тўғри фикр юзага келади. Бир хил фикрласак, битта ғояни илгари сурсак, бир хил гапни айтсак, жамиятда ривожланиш бўлмайди. Чунки фикр билдираётган одам ҳеч қачон нотўғри гапиряпман, бир фикр айтсам, ўйламайди. Унинг хато эканини исботловчи бошқа қарама-қарши фикр ҳам бўлиши керак. Ана шунда фикрлар хилма-хиллиги пайдо бўлади. Мулоқот жараёнида эса улар орасидаги энг маъқули, энг тўғриси аён бўлади, танланади. Айни шу механизм парламентдаги қонун муҳокамалари жараёнида ҳам амал қилади.

Парламент шаклланишининг иккинчи босқичи 1995 йилдан 1999 йил декабригача, яъни янги сайловлар бўлгунига қадар кечди, дейиш мумкин. Мустақил давлат, дастлаб ўзининг ҳокимиятини жамиятга тадбиқ қиладиган, шу ҳудудга таъсир ўтказадиган органларини шакллантириб олиши керак. Давлат бошқарув механизмини шакллантириб, уларнинг оёқда мустаҳкам туришини таъминлаб олиши лозим. Бу ўз-ўзидан бўлмайдиган, жуда узоқ ва мураккаб жараён. Бунда, энг аввало, қонун яратиш йўли билан шакллантириб олинади. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Ундан сўнг бошқа йўналишлар бўйича ҳам қонунлар ишлаб чиқилди. Давлатга тегишли бўлмаган ташкилотлар тўғрисида ҳам қонун қабул қилиш керак эди. Шу боис партиялар ёки жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, уларнинг ҳуқуқларининг кафолати, сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Демак, жамият тўлақонли ҳолатда яшашни бошлади. Бунда жамиятдаги ҳар бир одамнинг ҳуқуқи ҳимоя қилиниши талаб этилади. Бундан ташқари, халқаро ҳамжамиятнинг ҳам ўзига хос талаблари бор. Мустақил мамлакат бўлганингиз билан соҳалар бўйича ривожланиш, ҳамкорлик қилишни истайсизми, демак, халқаро нормаларни, халқаро ташкилотлар тажрибасини ўрганиш ва улар доирасида бошқа давлатлар билан алоқа ўрнатиш лозим. Шу жиҳатдан БМТ, ЕХҲТ, МДҲ каби нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлдик. Биз демократик давлат қуришни истаймизми, инсонпарвар мамлакатмизми, демак бизнинг юртимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи, манфаати, эркинликлари олий қадрият сифатида мустаҳкамланишини Конституциямизга киритдик. Бу ҳам, албатта, ўша даврда ўзига хос ва ўта мураккаб жараён эди.

Ҳар қандай ислоҳот ва ўзгаришларни жамиятнинг ўзи хоҳлаб, интилиб, кутиб олиши керак. Ҳар бир шахс буни тушуниб, ўзи истаб, англаган ҳолда қўшилиши керак. Яна ўша 1994 йилдаги сайлов жараёнидан мисол келтираман. Чунки унда ўзим ҳам номзод сифатида иштирок этганман. Сайлов кампанияси жараёнида, учрашувларга борганимизда сайловчилар, яъни фуқароларимиз ҳали йирик сиёсий жараёнларга тайёр эмаслигига гувоҳ бўлганмиз. Ундан кейинги ҳар беш йилда бўлган сайловларда ҳам иштирок этдим. Ва бу жараёнда одамларнинг сиёсий қарашлари, онги йилдан-йилга ўсиб бораётганини бевосита ҳис қилганман. Битта сайлов округидан тўртта номзод бўлса, сайловчилар билан учрашувларда уларнинг ҳар бирига сўз бериларди. Аксарият номзодлар сўзга чиққанида сайловчиларга "Кўчангни асфальт қиламан, мактабни таъмирлаб бераман, боғча қураман", деган ваъдаларни беради. Дастлабки сайлов жараёнида аҳолида бундай пуч ва ёлғон ваъдаларга оғиб кетиш кайфияти устувор эди. Уларни моддий манфаатдорлик эвазига ўзига оғдириб олиш ҳолатлари учраган. Қонун бўйича эса бу мумкин эмас. Чунки депутат бундай ваъдаларни бажаролмайди. Негаки, бу сингари муаммоларни бартараф этиши учун унинг ресурси йўқ.

Мен эса юристман — бундай ваъдаларни айтолмайман. Чунки олдимда қонун турибди. Сайловчиларга қонун ҳақида гапирсангиз қулоқ солмасди. Депутат асфальт қилиб бермайди, у жамиятни, давлатни тараққий топтириши, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи, манфаатини ҳимоя қилиши керак, яъни унинг бажарилишини қонунга киритади, ижро қиладиган мутасаддиларни қонун йўли билан мажбурлайди, деб тушунтирсангиз, бу гапларни тушуниб етишга сайловчида тайёргарлик ҳам, тоқат ҳам йўқ. Ҳозирги кунда эса бундай эмас. 1994 йилга қараганда бугунги сайловчиларнинг сиёсий онги анча юксалган. Депутатларнинг фаолияти ҳам шунга яраша юқори савияда олиб бориляпти. Улар халққа анча яқинлашган. Йигирма тўрт йил аввалги депутат билан ҳозирги халқ вакилининг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бунинг сабаби сиёсатчиларнинг халқ билан мулоқотлари кўпайганида. Ҳар қандай ислоҳот, ҳар қандай фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар аҳоли билан маслаҳатлашиб, кейин қабул қилиняпти.

Биринчи Президентимиз қонуннинг қабул қилиниши бу масаланинг 50 фоиз ечими, қолган ярми эса унинг самарали ижро этилишида, деб айтар эди. Халқ билан мулоқот йўлга қўйилганидан сўнг қонун қай даражада ижро қилинаётганини назорат қилиш имкони ҳам пайдо бўлди. Бунда нафақат ижро органлари, балки ҳар бир шахс ўзини-ўзи назорат қилиши, айтиш жоиз бўлса, ўзига-ўзи прокурор бўлиши керак. Юқорида айтганимиздек, бошқалар бу ишга киришмасдан аввал шахс ўзини-ўзи бошқариши, назорат қилиши талаб этилади. Ана шунда бизнинг инсонпарварлигимиз, халқпарвар-у ватанпарварлигимиз мустаҳкамланади. Ана ундан кейин жамият ҳақиқий демократик жамиятга айланади.

Президентнинг виртуал қабулхонаси иш бошлаганида аҳолидан келган дастлабки миллионлаб мурожаатлар асосан шахснинг майда ташвишларидан иборат бўлган. Маҳалла, туман, вилоят, мамлакат миқёсидаги масалалар юзасидаги мурожаатлар жуда кам сонни ташкил этди. Одамларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги шаклланиб боравераг экан, улар шахсий масалаларни ўзи яшаётган ҳудуднинг ўзида хал қила олади. Шунинг учун ҳам мамлакат, жамият миқёсида фикрлашни ўрганишимиз ва ўргатишимиз зарур. Ўзликни англаш ҳам шунга боғлиқ. Уни тор доирада тушунмаслик, ўзлик бу — бир ўзим экан, деган тушунчадан йироқ бўлишимиз керак. Демак, оиланинг ўзлиги, жамият ўзлиги, мамлакатнинг ўзлиги ҳақида ўйлаш фурсати етди.

Депутатлик фаолиятида ҳам ана шу тамойил устун туриши керак. Айрим фаол бўлмаган депутатларни биз партиядан тавсия қилмаганмиз, улар сайланганидан кейин партияга аъзо бўлган. Лекин депутат ва партия ўртасида ўзаро дахлдорлик ҳисси, узвийлик бўлиши керак. Партия ўша депутатни заҳирага олмаса, ўқитмаса, унга ғояларини сингдирмаган, у билан ишламаган бўлса, депутат ўзи билан ўзи овора бўлиб юраверади — партия учун жон койитмайди. Сабаби одамларнинг — жамиятнинг сиёсий онги ривожланиб бораётган бўлса-да, лекин ҳали биз кутган даражада юксалган эмас.

Қонун ташаббускорлиги субъектлари мавжуд. Улар қонун лойиҳасини махсус комиссияга тақдим этади. Комиссия Кенгашга маълумот беради. Кенгаш масъул қўмитани белгилайди. Масъул қўмита лойиҳани кўриб чиқиб биринчи ўқишга киритади. Фракция депутатларига фикр-мулоҳазаларини билдириши учун юборади. Лекин агарда сиёсий партияларнинг фракциялари қонун лойиҳасини биринчи ўқишга киритишни маъқулламаса, лойиҳа киритилмайди ёки масъул қўмитадаги дастлабки муҳокамада фракцияларнинг вакиллари қатнашиши шарт, деган зарурий меъёр йўқ. Фракция аъзолари бундай муҳокамаларда иштирок этмайди — қўмиталардаги партия вакилларининг ўзи етарли, деб баҳоланади. Лекин улар партия учун расмий вакил саналмайди, балки фракциянинг қўмитадаги аъзоси, холос. Чунки қўмитада ҳам маъмурий ричаг раиснинг қўлида. Бу ричаг эса ҳар доим ҳам фракциянинг фикрига мос келавермайди. Шунинг учун дастлабки муҳокама жараёнида ҳам фракция томонидан алоҳида белгиланган вакиллар, яъни делегат бўлиши керак. Бу эса, ўз навбатида, айни пайтда фракциялар фаолияти тўғрисида қонун яратилишини тақозо этади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Мустақиллик парламенти ташкил этилганидан бошлаб мамлакатимизда жуда кўп партиялар вужудга келди. Уларнинг бир нечтасига ўзингиз раҳбарлик қилдингиз. Янги сиёсий партиянинг пайдо бўлиши, борларининг бирлашиши ёки айримларининг сиёсат айвонидан чекинишининг қандай ижобий ва салбий жиҳатлари бор?

Ахтам ТУРСУНОВ: — Янги партиянинг вужудга келиши ёки мавжуд партиянинг сиёсатдан чиқиб кетиши мураккаб жараён. Мен иккита партиянинг пайдо бўлиши ва бирлашиши жараёнига бевосита гувоҳ бўлганман. Масалан, 2000 йилда "Ватан тараққиёти" партияси билан "Фидокорлар" партияси қўшилди. 2008 йилда "Фидокорлар" партияси билан "Миллий тикланиш" демократик партияси бирлашди.

Сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши ҳақида гап кетганида уларни, аввало, маслаҳатлашадиган уйга қиёслаш, агар образли ўхшатиш қилсак, чойхонага менгзаш мумкин. Айтайлик, ундаги улфатлар фикри, дунёқараши бир-бирига тўғри келади, ўша ерда гаплашиб, маслаҳатлашиб, айрим масалаларни ўзлари ҳал қилади. Партиялар ҳам дастлаб сиёсий бўлмаган консерваторларнинг иттифоқига ўхшаган бўлган. Кейинчалик эса у сиёсий клубларга айлана бошлади. Клублар асата-секин ривожланиб, сиёсий партия даражасига кўтарилган. Партияларнинг шаклланиш босқичлари элементлари XVI–XVII асрлардан кўзга ташланади, лекин бундай иттифоқлар асосан XX асрга келиб сиёсий партия шаклига ўтди.

Хусусан, юртимиздаги партияларнинг шаклланиши тажрибасидан келиб чиқиб, фикр билдирадиган бўлсак, аслида жамиятнинг ўзи талаб қилиши, маълум бир гуруҳлар, аҳолининг муайян қатламининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун бир жойга бирикиши керак. Бу ҳимоя қандай амалга оширилади? Улар ўзларининг номзодларини вакиллик органларига сайловларда илгари суриш орқали. Партияларни ташкил этиш жараёни ҳам жамиятнинг эҳтиёжи, ҳам бир гуруҳ фуқароларнинг хоҳиш-истаги натижасида вужудга келади.

Ғояси, дастури, мақсади ўхшаш бўлса, партиялар бир-бирига сингиб кетиши, бирлашиши мумкин. Сиёсий партияларнинг қўшилиш жараёнида айрим салбий жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Ўша вақтдаги сиёсий онг ёки аъзо бўлган партиясига содиқлиги сабабми мен раҳбарлик қилаётган партиянинг аксарият фаоллари "Ватан тараққиёти" ва "Фидокорлар" партияси қўшилгач, аъзоликдан бош тортган. Биз ўшанда кўпчилик фаолларимизни йўқотдик. Кейин жуда катта куч сарфлаб, қийинчилик билан аъзолар сафини кенгайтиришга эришдик. Лекин бунинг учун биз кўп вақт йўқотдик. Бу вақт оралиғида эса бошқа партиялар унумли фойдаланиб қолди. Оқибатда сайловлар жараёнида бу яққол кўзга ташланиб қолди. Шунинг учун сиёсий партиялар ўз таркибида ўта мустаҳкам ғояли кишиларни йиға олиши керак. Бу ерда гап партия аъзолигидан чиқиб кетмаслик нуқтаи назаридан эмас, ғоявий мустаҳкамлик, собит эътиқод ҳақида кетяпти. Аъзо кучли нотиқ, билимдон, тажрибали бўлиши шарт. Ана шундай аъзолари кўп партия сайловларда албатта, ютади, номзодларининг кўп қисми сайланишига эришади. Айни пайтда ЎзМТДП таркибида ҳам билимдон аъзолар анча, лекин ўзини четга тортиб турган, аслида партиямиз аъзосига айланиши мумкин бўлган зиёлилар ҳам талай. Уларни жалб қилиш, турли сабаб билан партиядан йироқлашишига йўл қўймаслик керак. Бу ерда шахсий муносабатлар эмас, партиянинг мақсад-вазифалари, ғояси устун туришини таъминлаш биринчи ўринда туради. Масалан, халқ танийдиган одамларнинг номзодини албатта, илгари суриш шарт эмасдир, лекин ишончли вакил сифатида фойдаланиш мумкин. Бу жараёнга кўпроқ ёзувчи, шоир, санъаткор ва бошқа ижодкорлар, аҳолининг илғор вакиллари жалб қилинса, мақсадга мувофиқ. Чунки халқ уларни кўпроқ танийди.

1998 йилдан 2013 йилгача турли сиёсий партияларга раҳбарлик жараёнида партия ташкилотларининг турфа характерга эга, билим савияси ҳам турлича бўлган ходимлари билан, барча даражадаги Кенгашлар депутатлари билан мулоқотда бўлдим. Уларнинг фаоллигини ошириш, кўникмасини шакллантиришда партия кўмакдош бўлиши, туртки бериши, талаб қилиши зарур. Агар қонун қабул қилиб, ёзиб қўйилса, унда механизм пайдо бўлади. Ҳозирча бундай механизм йўқ. Маҳаллий Кенгашларда ҳам худди шундай. Чақириб олиш механизми бор, лекин у ишламайди. Натижада сиёсий партия ўзининг депутатини чақириб олиши камёб ҳодисалардан бўлиб қолган.

Сиёсий партия фаолиятини ривожлантиришда фаол депутатлардан унумли фойдаланиш, нофаолларини жонлантириш зарур. Масалан, битта ялпи мажлисда беш-ўн марта сўзга чиқадиган депутатларимиз бор. Лекин беш йил мобайнида бир марта ўз фикрини билдириб сўзга чиқмаган депутатлар ҳам учрайди. Улар савол ҳам бермайди, қўмитадан маъруза қилинг деса, чиқмайди ҳам. Мана шундай ҳолатлар бўлмаслиги учун уларда кўникма ҳосил қилишимиз талаб этилади.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Бугунги кунда аёллар ҳар қайси соҳада илғор. Сиёсатда, парламентда аёлларнинг ўрни қандай бўлиши керак? Гендер тенглигини таъминлаш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

Ахтам ТУРСУНОВ: — Тан олиш керак, аёлларнинг жамиятдаги ўрни, сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки, айниқса, бизнинг шароитда анча оғриқли масалалардан. Хотин-қизларимизнинг иштироки фаол ва кўп сонли бўлиши керак. Бунинг, албатта, бир қанча сабаби бор. Биринчидан, аёллар қайси жамиятда, қайси ташкилотда фаол бўлса, ўша ерда тартиб-интизом яхши бўлади. Шу боис ҳам сайловда уларга алоҳида квоталар ажратилган. Номзод кўрсатишда аёллар сони ўша квотадан кам бўлса, ҳужжатлар қабул қилинмайди. Лекин ҳужжатларда кўрсатилаётгани билан сайловда 30 фоиз аёллар депутат бўлиб сайланаётгани ҳам йўқ. Қолаверса, жамиятнинг ўзидаги сиёсий қарашлар ҳам ҳали 30 фоизлик даражага кўтарилган эмас. Демак, олдинда қиладиган ишларимиз кўп. Хотин-қизлар қўмитаси бу жараёнда фаолроқ иштирок этиши талаб этилади. Сайловчилар ҳам, ўз навбатида, буни яхши англаб, тушуниб етиши керак. Сиёсий партия номзодини кўрсатса ҳам, сайловчи аёл кишига овоз бермаяпти. Бу сиёсий партияларнинг олдида қўллаб-қувватлашда кўпроқ аёл номзодларга эътибор қаратиш вазифаси турибди, дегани. Бунинг учун тарғибот-ташвиқот ўтказадиган махсус гуруҳлар фаол ишлаши, фақат сайлов жараёнида эмас, сайловдан сайловгача бўлган вақт оралиғида ҳам турли учрашувлар, семинарлар ўтказишни қоидага айлантириши зарур.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — Тажрибамизда сиёсий партиялар ўртасида турли мавзуларда дебатлар уюштириш кўп бор учраган. Дебат қўзғаш, уни ўтказишнинг ўзига хос технологиялари ҳам бор. Айни пайтда "Миллий тикланиш" демократик партиясига дебатга чорлаш маъносида "тош отилаётган" ҳолатларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Аслида ҳам дебатдан чўчиш эмас, унга ҳар доим тайёр туриш лозим. Айниқса, сайлов жараёнлари яқинлаша бошлагач, бундай ҳолатлар жадаллашиб қолади. Албатта, дебатга, минбарга чорлаган одам ҳеч қачон яхшиликни кўзлаб чақирмайди. Кўнглининг бир четида бошқачароқ нияти бўлади. Мана шундай тузоққа тушмаслик учун нима қилиш керак? Бугунги кунда айтган гапимиз Интернетда катта тезликда тарқайди, кейин уни қувлаб ушлолмай қоласиз, хатони тўғрилашга кеч бўлади. Тажрибали сиёсатчи сифатида бу борадаги фикрингиз билан ўртоқлашсангиз.

Ахтам ТУРСУНОВ: — Суҳбатимиз бошида жамиятда фикрлар хилма-хиллиги бўлса, фикрнинг тўғри-нотўғрилигидан қўрқилмаса, тараққиёт, юксалиш бўлаверади, деб айтдик. Фикрга қарши фикр бўлса, нур устига нур. Дебатга чақириш, сиёсий партия ёки бирор бир депутат фаолиятини танқид қилиш бу аслида ёмон эмас. Демак, кимдир сиёсий партиянинг фаолиятини кузатиб бораётган экан, унинг нуқтаи назари бўйича қаердадир камчилик, хатолик, етишмовчилик бўлса, у билан мулоқотга киришиш керак. Балки партиядошларимиз ўз фаолиятида илғамай қолаётган жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин. Балки бу четдан туриб қаралганда яққолроқ аён бўлар?! Шундай экан, ўзаро муҳокама, тортишувга, фикр алмашувга ҳар доим шай туриш ҳеч қачон зиён қилмайди. Партиямизда, айниқса, унинг Марказий кенгашида бунга тайёр салоҳиятли вакиллар бор. Ана шундай забардаст кадрлар сафини кенгайтириш учун эса мунтазам равишда семинарлар ташкил қилиш, уларни ўқитиш, суҳбатлар, партия фаолиятига оид мавзуларда ички муҳокамалар ўтказиб, уларнинг иштирокини таъминлаш зарур. Ана шунда вакилларимизнинг дунёқараши, нутқи ўсиб, ривожланиб боради. Қолаверса, партия қошида муайян соҳанинг етакчи вакилларидан иборат экспертлар гуруҳини тузиш, уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳамда моддий рағбатлантириш механизмларидан ҳам фойдаланиш зарурати пайдо бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Айниқса, сайлов яқинлашгани сайин бунга эҳтиёж тобора ортиб боришини эътибордан соқит қилмаслик даркор.

Бундан ташқари, партиянинг "Ёшлар қаноти" вакилларини бунга жалб қилиш, уларни изчиллик билан тайёрлаб бориш лозим. Ана ундан сўнг улар партияга оид ҳар қандай саволга ҳеч иккиланмай, асосли жавоб берадиган бўлади, музокараларга доимо шай туради. Қуролсиз одам, қуролли одам билан кураша олмайди. Биз ҳам партия аъзоларини ҳар тамонлама, ҳам маънавият, ҳам замонавий билим билан қуроллантиришимиз керак. Бу ўринда гап талашиб-тортишиш, можаро чиқаришда эмас, мустақил фикр билдира олиш ҳақида кетаётир. Партиямиз дастуридан келиб чиқиб турли гуруҳлар шакллантирилса, бошқа партияларнинг дастурларини ҳам олиб, тегишли соҳаларда ўзимизнинг дастур билан қиёслаб ўрганилса, уларнинг ютуқларидан ўрнак олиб, хато-камчиликларидан хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Суҳбатни "Milliy tiklanish" мухбири Мухторбек АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

MILLIY TIKLANISH
41 (525) 2018 йил 10 октябрь, чоршанба

Фармон ва ижро

КЕЧИРИМЛИ БЎЛИШ КЕЛАЖАККА ЙЎЛ ОЧАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2 минг 700 нафар судланганларни афв этиш тўғрисидаги, шунингдек, давлатимиз мустақиллигининг йигирма етти йиллиги байрами арафасида "Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармонларни имзолаган эди. Президентимизнинг ушбу фармонларига асосан Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидан бўлган ўнга яқин ўз қилмишининг қонунга хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар афв этилди. Шулардан бири туманнинг Сулаймон қалъа маҳалласида истиқомат қилувчи Тоҳир Худойбергановдир.

— Озодликнинг қадрини панжара ортига тушганимда ҳис этдим, аммо у пайт кеч эди, — дейди Тоҳир Худойберганов. — Ўн саккиз йиллик умрим хазон бўлганига, оилада ёлғиз ўғил бўла туриб онам вафот этганида қабрига бир ҳовуч тупроқ ташлай олмаганимдан афсус-надоматдаман. Минг шукрки, Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги тантаналари кенг нишонланаётган кунлари оилам билан дийдор кўришиш насиб этди. Ишонасизми, қишлоғимга қайтиб келиб, кўзларимга ишонмадим — худди бошқа жойга келиб қолгандекман: улкан ўзгаришлар — бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини кўриб лол қолдим. Эндиликда мен ҳам ана шу жараёнда фаол қатнашиб, юртимиз равнақига чин кўнгилдан ҳисса қўшишни ният қилдим. Ҳозирда фермер хўжалигида иш бошладим. Келгусида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ниятим бор.

Халқимизда "Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла" деган пурмаъно ҳикмат бор. Бир осмон остида, бир замин устида яшар эканмиз, маҳалла ё кўчамизда, қўшнимиз ё қариндошимизнинг уйида юз бераётган нохушликларда бизнинг ҳам қандайдир даражада айбимиз бўлади. Агар жиноятга, адашишга мойил кимсанинг хатти-ҳаракатларига лоқайд бўлсак, унинг дарди ё муаммосига шерик бўлмасак, янги хатоларга йўл очамиз. Мураккаб вазиятга тушиб қолган инсонни ўз муаммолари билан ёлғиз қолдирсак, унинг тақдири аянчли бўлишига биз ҳам маълум маънода сабабчи бўлиб қоламиз.

— Ҳаётда адашган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган кишиларни кечириш, уларга тўғри йўл топиши учун имкон бериш халқимизга хос фазилат, — дейди "Сулаймон қалъа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мурод Матёқубов. — Давлатимиз сиёсатида айни шу жиҳатлар акс этаётгани халқпарварлик, адолат нишонасидир. Маҳалламизда тақиқланган ташкилот ва гуруҳларга қўшилиб қолган беш нафар шахс бор эди, айни пайтда чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган икки нафар фуқаро оиласи бағрига қайтди. Президент фармони асосида террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, ўз қилмишининг қонунга хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига ўтган фуқароларга Ватанига, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имкони берилгани юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари фармони асосида террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларни жиноий жавобгарликдан озод этишнинг янги тартиби тасдиқлангани алданиб қийин аҳволга тушиб қолган шахсларга катта имконият яратди ва бу юксак инсонпарварлик намунаси ҳисобланади. Ҳазорасп туман ички ишлар бўлими маълумотларига кўра, тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар фаолиятида қатнашган шахслар 109 нафарни ташкил этади. Айни пайтда уларнинг 48 нафарига қидирув эълон қилинган, тинч турмуш тарзига қайтган 37 нафар фуқаро террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилган.

Қирқ беш ёшни қаршилаган Юсуфбой Каримов "Тўртта" маҳалла фуқаролар йиғинининг Бешта қишлоғида яшайди. Ўзбекистон тарихида илк марта 2017 йил декабрь ойида Бош қомусимизнинг 25 йиллиги муносабати билан афв этишга оид Президент фармонига асосан оиласи бағрига қайтди. Қувонарли томони шундаки, ҳозирда етти иш ўрнига эга цехда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган Юсуфбой Каримов Президент томонидан кечирилган шахс сифатида ўзига билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилмоқда, жамиятда ўз ўрнини топишга интилаётир.

— Инсон ҳаётда билиб-билмай хатога йўл қўйиши мумкин, — дейди Юсуфбой Каримов. — Шундай бўлса-да, мен каби адашган инсонларга имкон берилганидан, ўз уйим, оилам бағрига қайтишга ёрдам берганлардан бир умр миннатдорман. Ҳозирда турмуш ўртоғим бошқараётган автотранспортларга газ баллон ўрнатиш ва синовдан ўтказиш корхонасида чилангар бўлиб ишлаяпман, Ёшлигимдан темир-терсак, техникага, улардан турмушда фойдаси тегадиган буюмлар ихтиро қилишга қизиқаман. Шу боис оиламиз билан тадбиркорлик соҳасида янги-янги лойиҳалар асосида бизнес режалар тузиш, иш ўрнини кўпайтириш йўлида изланаяпмиз. Шунингдек, Питнақда тўрт ярим гектарлик ярим интенсив боғ ҳам ташкил қилганмиз. Мана энди ана шу ҳалол меҳнатнинг самарасини кўриш арафасидамиз. Давлатимиз эзгу ва савоб ишларни кўп қилаётганидан руҳланиб, биз ҳам даромаддан кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш ниятидамиз.

Юксак бағрикенглик — афв боис қанчадан-қанча кўнгилларга шодлик, оилаларга ҳаловат ва рўшнолик улашилди. Ахир оила тўлиқ бўлишидан ортиқ бахт борми, дунёда?!

— Шу кунларга етказганига шукур, — дейди саксон тўрт ёшли Қўчқор Каримов. — Юсуфбой кенжа ўғлимиз. Унинг бошидан кўп савдолар ўтди, бағримизга қайтгани барчамизни қувонтирди. Юртбошимизнинг инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик ғоялари мужассам бўлган доно сиёсати биздай бағри қуйик ота-оналарнинг дилига малҳам бўлди. Бундан жуда миннатдормиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 19 сентябрда қабул қилинган "Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони қабул қилингани юртимизда инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинишининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Айни пайтда фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идоралар берилган тегишли топшириқларни бажаришга киришган.

Фармон ижросининг таъминланиши билан нафақат афв этилганлар, балки уларнинг юзлаб яқинлари, оилаларига катта хурсандчилик туҳфа этилади. Бу шу одамларнинг ҳаётдан хурсанд бўлиши, рози бўлишига сабаб бўладиган савобли ишдир. Ўз навбатида, бундай хайрли ишлар жамият муҳитини соғломлаштиришга, барқарорлик мустаҳкам қарор топишига ҳам хизмат қилади.

— Ушбу фармон мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида, айниқса, террористик, экстремистик ташкилотлар таъсирига тушиб қолган шахсларнинг оиласи, ота-оналари ўртасида тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз, — дейди ЎзМТДП Ҳазорасп туман кенгаши раиси Азимбой Қурбонов. — Туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳамкорликдаги бундай тадбирларимиз ўзининг ижобий самарасини бераяпти.

Кечиримли бўлиш ўтмишни ўзгартира олмайди, аммо келажакка йўл очади. Президентимизнинг афв этишга оид фармонлари тақиқланган ташкилотлар таъсирига адашиб тушиб қолган юртдошларимиз учун келажакка равон йўл очиб бериши, шубҳасиз.

Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

Янги рукн: Тарихий сиймолар

Улуг маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат номи Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва алоҳида эътибори туфайли бутун мамлакатимизга танилди. Бунгача Ибрат ҳақида, унинг ижоди ва фаолияти ҳақида тор доира, яъни мутахассис олимларгина билар, айрим кичик илмий тадқиқотлар қилинган бўлса-да, халқимиз маданий тараққиётига қўшган ҳиссаси, улкан хизматларидан кенг омма бехабар эди.

ИБРАТ ЎЗ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИ КУТАЯПТИ

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 2 ноябрь куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашувда буюк тараққийпарвар ва маърифатпарвар Исҳоқхон Ибратнинг халқимиз маънавий-маърифий юксалиши йўлидаги беқиёс хизматларига эҳтиром рамзи сифатида унинг номини абадийлаштириш, у кишига атаб замонавий боғ яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва "Ибрат мактаби"ни ташкил қилиш ташаббусини илгари сурган ва бу кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланган эди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил июль ойида Наманган вилоятига ташрифи доирасида ушбу комплексда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишган, уни мазмун жиҳатидан такомиллаштириш, тил ўргатиш бўйича махсус мактабни Наманган давлат университети қошида ташкил этиш, бу ерда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти билан ҳамкорликда хорижий тилларни ихтисослаштирилган тарзда ўргатиш зарурлигини таъкидлаган эди. Ўқитувчи ва ўқувчиларга зарур шароитлар яратиш, мажмуа атрофини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берганди.

Ўтган давр мобайнида икки гектардан зиёд майдонни ташкил этган Исҳоқхон Тўра Ибрат мемориал мажмуасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Лойиҳа қиймати 13 миллиард сўмдан зиёд мажмуа боғ-хиёбон, унинг ўртасида Исҳоқхон тўра Ибратнинг ҳайкали, миллий меъморчилик услубидаги айвон, босмахона, илғор технологиялар асосида қурилган мусиқали фаввора, чет тилларга ихтисослаштирилган 400 ўринли мактаб-интернат ва тарихий меъморчилик обидасида барпо этилган музейни ўз ичига олади.

Ушбу мажмуа Наманган вилояти аҳолиси, айниқса, ёшлар учун муносиб совға бўлди. Боғ одамларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришига қулайлик яратиш билан маънавий оламини ҳам бойитади. Бу ердаги музейда Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёти, серқирра фаолияти ҳақида кенг маълумотга эга бўлиш мумкин. Ибрат мактабида ёшлар хорижий тилларни ўрганади. Буларнинг барчаси яхлит комплекс сифатида алломанинг халқимиз олдидаги буюк хизматларини қадрлаш, меросини ўқиб-ўрганиш ва тарғиб қилишда муҳим ўрин тутади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз дунё тамаддуни ва илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ алломалар, азиз-авлиёлар юрти сифатида шуҳрат қозонган. Ана шундай маърифатпарварлардан бири, XIX асрда Тўрақўрғон заминида туғилиб ўсган Исҳоқхон Тўра Ибрат шахси ва у қолдирган бебаҳо мерос билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу улуғ зот истиқлолнинг, бугунги дориломон кунларнинг орзуси йўлида жон фидо этган. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Ибрат домланинг Ватан ва юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда". Авлодларга ўрнак бўлгувчи бундай зако аждодларимизнинг бебаҳо меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, хусусан, Исҳоқхон Ибратнинг ҳаёти ва фаолияти, қолдирган ижодий меросининг тарихий, ижтимоий-сиёсий, адабий-маънавий аҳамияти ва унинг фожиали қисмати, аждодлари, оиласи, бизга замондош авлодларини тадқиқ қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан.

Исҳоқхон Ибратнинг насл-насаби Аҳмад Яссавийга туташ бўлиб, у 1862-1937 йиллари Тўрақўрғонда яшаб ижод қилган. Лекин умрининг бир муддатини Наманган туманидаги Муллакудинг қишлоғида ўтказган. Буни қишлоқдаги кўҳна қабристоннинг чиллахонаси айвонида турган улкан қабртош битиклари, авлодлар шажараси ва "Тарихи Фарғона" асари ҳам тасдиқлайди. Исҳоқхон Ибрат ўз қўли билан сулс хатида ёзиб қолдирган мазкур шажарада ота-боболари Туркистондан Наманганга келиб, Тўрақўрғон ва Муллакудинг мавзеларида жойлашиб қолгани ҳақида муфассал маълумот берган:

"Назирхон Ҳожа ўғиллари Неъматуллоҳ Ҳожадурлар. Аммо Неъматуллоҳ Ҳожа соҳиби кашфу каромат эдилар. Ҳазрат Султон-ул-орифиндин (Ҳожа Аҳмад Яссавийдан) тарбият топганлар. Аллоҳ таоло иродаси ва арвоҳлар башорати билан Тўрақўрғон қарясида мутаваттин бўлдилар. Ҳокимлар Муллакудинг қарясидан кўп ер назр қилди, анда хонақоҳ бино қилиб, художўйлик қилдилар. Охири вақтларида васият қилдилар: бизни ушбу ерга қўйунг, дедилар. ...Жунайдуллоҳ Ҳожадан (Ибратнинг отаси — Р.М) *кўп кишилар таълими тариқатда баҳраманд бўлдилар. Ушбу киши мазкур Қозоққўрғонга* (Муллакудинг қишлоғи аввал шундай ном билан аталган — Р.М) *"Хилватхона" (чиллахона) бино қилдилар".*



Яна бир қабртошда шундай ёзилган: *"Бу қабр яхши хислатлар ва одатлар ҳамда кароматлар эгаси, етук ва комил Шайх Неъматуллоҳ Ҳожа Эшон Туркистонийникидир. У киши ҳижрий 1251 (милодий 1835) йилда вафот этдилар. У кишидан сўнг Суннатуллоҳ Ҳожа Эшон ҳижрий 1267 (милодий 1851) йилда қазо қилдилар. Булар Ҳазрат Султон Ҳожа Аҳмад Яссавий авлодларидандирлар, уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин. Булардан бошқа яна Неъматуллоҳ Ҳожа авлодларидан бўлган Суннатуллоҳ Ҳожанинг ўғиллари Атоуллоҳ Ҳожа Эшон бордир. Ул киши ҳижрий 1323 (милодий 1905) йилда вафот этдилар".*

Бундан англашиладики, чиллахонанинг ёнидаги темир панжара билан ўралган қабрларга Ибратнинг ота томондан катта бобоси Неъматуллоҳ хожа, бобоси Суннатуллоҳ хожа ва укаси Атоуллоҳ хожа (1865 – 1905) дафн этилган. Бу жойда яна бир қабр бўлиб, уни Исҳоқхон Ибратнинг рамзий қабри эканлиги ҳақида фаразлар бор. Аҳмад Яссавийнинг укаси Садр хожа авлодларидан бўлган Неъматуллоҳ хожа Туркистондан Наманган заминига XVIII асрнинг иккинчи ярмида келиб, жойлашиб қолган.

Айтилишича, бу улкан тошни Ибрат 1905-1935 йиллар оралиғида Олабўқа (Қирғизистон)дан олиб келган. Ҳозирги кунда тошдаги ёзувларнинг бир қисми кўчиб, таъмирталаб ҳолга келиб қолган. Шу пайтгача мавҳум бўлган мазкур тошнинг ҳажми ва оғирлигига яқинда аниқлик киритилди: у 270 килограмм тош босиб, бўйи — 140 сантиметр, эни уч хил: пасти 70, ўртаси 45, юқориси 50 сантиметрга тенг.

Мазкур қабристонда шунингдек, Ибратнинг укаси Атоуллоҳ тўранинг икки қизи — Ҳуринисохон (1896-1961) ва Ҳуринидохон (1905-1986) ҳамда Ибратнинг невараси Рашодхон тўра (1933-2003) ҳам мангу қўним топган. Ҳуринисохоннинг турмуш ўртоғи, Ибратнинг тўнғич ўғли Аббосхон тўра 1937 йили сургун қилиниб, бедарак кетган.

Аббосхон тўранинг зурриёди Рашодхон тўранинг кенжа фарзанди Хайрулло Аббосов қадамжонинг сарištалигини сақлаб турмаганида, бу азиз жойлар аллақачон қаровсиз ҳолга келиб қолган бўлар эди. Аждодларига эҳтиром кўрсатишни ўз бурчи деб билган бундай юртдошларимизнинг савоб ишлари барчамизга ибратдир.

Исҳоқхон Ибрат серқирра ижодкор сифатида "Луғати ситта ал-сина" ("Олти тилли луғат"), "Жомеъ ул-хутут" ("Хатлар мажмуи", 1912 йил), "Тарихи Фарғона" (1916 йил), "Тарихи маданият" , "Мезон уз-замон" (Замон тарозуси), "Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий" каби ўндан ортиқ тилшуносликка оид, илмий-тарихий ҳамда маърифий асарлар муаллифидир. Ибрат назмда ҳам сермаҳсул ижод қилган. У шеърлари ва бошқа асарларини уч (ўзбек, форс, араб) тилда ёзган. Муҳсиний уни "соҳиби девон" деб сифатлаган. Лекин девон ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг эълон қилинган шеърларини ўша вақтдаги вақтли матбуот саҳифаларидан ҳамда турли тўпламлардан топиш мумкин. Шоирнинг ўғли Аббосхон 1910 йилда тузган баёзга отасининг 17 та шеърини киритган.

"Тарихи Фарғона" асарида эса асосан ўзбек давлатчилиги ривожининг оқсаган босқичи, яъни хонликларнинг таназзулга юз тутиши, рус босқинчилиги қулфатлари кенг тасвирланади. Исҳоқхон Ибрат халқимиз бошига тушган ўша кунларнинг бевосита шоҳиди бўлган эди. У ўз кўзи билан кўрганларини шундай ёзади:

"Муаллифи китоб ул вақтда ўн беш ёшимда хату саводим чиққан талаба эдим, бирдан қоч-қоч бўлуб, ҳар ким ўз ҳолиға овора бўлуб, қиблагоҳимиз ўз ҳолларига бўлуб, қаён кетдилар, билмадук. Бизлар ўз маҳалламиздаги хотунлар ва болалар илан қочиб бир боғда ётдук, то шомғача бу тўпу милтиқ овози ўқлар бошимиздан овоз бирла ўтуб тургани ваҳмида ҳеч ерга чиқолмай, боғда эдик, кечаси" сизларни бир киши чақирди" дедилар. "Ким экан?" деб боғдан чиқсам, қиблагоҳимиздан келган одам экан. Ул киши Муллакудингда эканлар. Боруб, болалар асир бўлдиму ёки отилиб ўлдиму, эсон-омон кўрмак муяссар бўлса эди, деб Юсуфхўжа ва Муҳаммад Зоҳид деган кишиларни юборган эканлар. Алар бизларни олуб, кеча илан жўнадук".

Ибратнинг уша пайтда "Туркистон вилоятининг газети"да босилган "Қўқон-Наманган темир йўлининг очилиши" мақоласи ҳам қимматли тарихий манба саналади: *"Ушбу 7 июлда Наманган оташ ароба йўли битиб, они очилганлигиға шукрона байрами бўлубдур... Ўшал аснода фотографлар ва ҳам алоҳида чақирилган кинемотограф ҳозир бўлуб, тасвирларини олиб турибдур. Ул поез Чуст истансиясиға расми юришда юруб бориб, андин кейин Сирдарёға кўп харажатлар билан бино қилган ёғоч кўфрикдин ўтуб, ...Наманганға келгандин кейин истансаға ниҳоятда кўп сардиялар йиғилиб, атрофдин, қишлоқлардин умрида оташ аробани кўрмаган одамлар келиб, ул оташ аробани биринчи маротаба кўруб ҳайрон қолиб, поез келаётган вақтда оқ саллалик одамлар адади ниҳоятда кўб — 25000-30000га етибдур".*

Мақола газетанинг 1912 йил 15 июль сонида чоп этилган. Демак, Наманган темирйўли 1912 йил 7 июлда ишга туширилган. Баъзи манбаларда Наманган темир йўли ишга туширилган сана — 1906 йил, деб янглиш кўрсатилган. Агар шундай бўлганида эди, Ибрат 1908 йилнинг кузида литографик машинани Оренгбургдан Қўқонгача поездда олиб келгач, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларга ортиб, катта машаққатлар билан олиб келмасди.

Исҳоқхон Ибрат ўзининг тугалланмай қолган асари — "Замон тарозуси"да ўша пайтдаги салбий ўзгаришларнинг халқ руҳиятига таъсири ва миллатни емираётган иллатлар хусусида куюниб ёзади. Асарни тўққиз мезонга бўлиб, уларда бир-биридан муҳим масалаларга тўхталади.

Масалан, олтинчи мезонда бидъат, яъни тўй-маросимларнинг зарари ҳақида гап боради. Ибрат бундай беҳуда сарф-харажатлардан наф йўқлигини қуйидагича таҳлил қилади: *"Ва ҳам жамъияти никоҳ тўйида булар қиладурғон исрофлари бир киши ўғлини тааллуқ қилдурмоқ бўлганда, фотиҳа тўй деган бир катта тўй бўладур... Ҳоли булки, шул фотиҳага беш юз сарф бўлса, никоҳ тўй куни албатта икки минг сарф бўлур. Бу сарфларни(нг) ўғлига ва қизига бирон тийин нафъи йўқ, ўртадаги кишилар ейдур, ичадур, киядур. ...Сиф-сидирға балоси қалмоқдан қолган одат. Мана бу балолар устимизда оғир бир юкдур. Буни кўтаруб, мақсадга етиш бисёр қийиндур".*

Ибратни 1937 йили 14 март куни НКВД ходимлари ҳибсга олади. У бир неча кун Тўрақўрғон қамоқхонасида сақлангач, Андижонга олиб кетилган. Айрим муаллифлар Ибратнинг вафот этган манзили Тошкент деб янглишадилар, аслида эса у 1937 йилда Андижон қамоқхонасида қазо қилган ва пахта заводи яқинидаги қабристонга дафн этилган.

Ноҳақ айбланиб, қатағон қилинган Ибрат вафотидан сўнг 22 йил ўтиб, яъни 1959 йилда оқланади. Бу тўғрида марҳум алломанинг юрти Тўрақўрғонга Андижон вилояти прокурорининг ўринбосари имзоси билан расмий хат келади. Ротипхон уни онаси Собирахонга ўқиб беради:

"Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Сайрам қишлоқ совети, Сталин номли колхозда яшовчи фуқаро Исҳоқов Ротипхонга.

№3326, 2 октябрь 1959 йил.

Сиз отангиз Жунайдуллаев Исҳоқхоннинг жиноят ишини қайта кўриб чиқиш бўйича йўллаган шикоят юзасидан тубандагиларни маълум қиламан.

Жиноят иши 1959 йил 30 сентябрь куни қайта кўриб чиқилди ва отангизни айблаш учун далил-исбот бўлмагани учун иш тўхтатилиб, отангиз вафотидан сўнг оқланди.

СССР Министрлар Советининг 1955 йил 8 сентябрдаги қарорига биноан сиз отангиз ишлаган ташкилотдан у кишининг икки ойлик маошини олишингиз мумкин. Пул отангиз оқланган пайтдаги лавозим ставкаси учун белгиланган миқдорда тўланади. Башарти, у корхона ёки муассаса тугатилган бўлса, 2 ойлик иш ҳақи унинг вориси бўлган жамоа томонидан, агар у ҳам бўлмаса, тааллуқли министрлик (маҳкама) ҳисобидан қопланади.

Андижон вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси Мирзаалимов".

Ибрат таржимаи ҳоли ва сафарсаёҳатларига тааллуқли ривоятнамо тахминлар талай. Масалан, у киши етти марта ҳажга борган, дейилади. Тадқиқотларимиз бу гапда жон борлигин кўрсатди. Чунки, Исҳоқхон ҳожи тўққиз йил (1887–1896) сафарда юрган, тўрт йил (1892–1896) Ҳиндистонда яшаган. Тўққиз йил кема қатнови қулай денгизбуйи мамлакатларида истиқомат қилганида етти марта ҳажга борган бўлиши ҳақиқатдан йироқ эмас.

Ибрат ҳаёти ва фаолияти серқирра: у ҳам муаллим, ҳам мактабдор, шоир ва ёзувчи, тилшунос ва адабиётшунос, журналист ва матбаачи, хаттот ва созанда, ҳунарманд ва тадбиркор, ҳисобдон ва савдогар, уламо ва қози, табиб ва доришунос, муҳандис ва қурувчи, этнограф ва сайёҳ, деҳқон ва боғбон, тарихчи ва археолог, техник ва фотограф...

Исҳоқхон Ибрат ҳаёти, ижоди ва фаолияти ҳали деярли ўрганилмаган. Масалан, у Фарғона водийсидаги илк матбаачи саналади. Матбаа ускунасини Оренбургдан олиб келган. Хўш, унинг мазкур сафари қандай кечган? Оренбургда бунинг излари йўқмикан?

Иккинчидан, Исҳоқхон Тўра қарийб ўн йил хорижий мамлакатлар (Европа, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё)да истиқомат қилган. Унинг хориждаги ҳаёти ва фаолиятини ҳам сўраб-суриштириш, ўрганиш фурсати келмадими? Умри бўйи ижод қилган ва етти тилдан хабардор бўлган Ибратнинг асарлари нахотки бошқа тилларга таржима ва нашр қилинмаган бўлса?

Учинчидан, Ибрат — "халқ душмани", айбсиз айбдор, етмиш беш ёшида ҳибсга олиниб, авахтага ташланган ва қамоқхонада дунёдан ўтган жабрдийда бўлган. Модомики шундай экан, уни ҳам сўроққа чақиришган, кимдир гувоҳлик берган бўлса, кимдир қийноққа солган. Бинобарин, ўша "айбнома" ҳам қаердадир турган бўлса, ажаб эмас.

Ва ниҳоят, Наманган вилояти, хусусан, Тўрақўрғон ва Муллакудингда мавлоно Ибратни лоақал болалик чоғларида кўриб қолган тирик шоҳидлар оз бўлса-да топилади. Қолаверса, у зоти шарифнинг набираларининг эшитган-уққан хотиралари ҳам ноёб саналади...

Хулоса ўрнида айтганда, умумбашарий тамаддун ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди. Шу билан бирга, уларга муносиб ворис бўлиш, хусусан, кўп қиррали Исҳоқхон Ибрат меросини ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш масъулияти турганини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Расулбек УММАТОВ,
мустақил тадқиқотчи

Бизнинг шарх

ПАРИЖ БИТИМИ — ЭКОЛОГИЯНИ АСРАШ БОРАСИДАГИ БОШ ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТ

ЎЗБЕКИСТОН БМТ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ДОИРАВИЙ КОНВЕНЦИЯСИНИНГ ПАРИЖ БИТИМИНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ

2017 йил 7 февралда тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида бугунги кунда мамлакатимизда энергия тежамкорлигига эришиш, энергия самарадорлигини ошириш, муқобил энергия манбаларини жорий этиш, Орол денгизи инқирозининг оқибатларини юмшатиш, ўрмон майдонларини кенгайтиришга йўналтирилган давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, йирик иссиқлик электр станцияларида янги инновацион технологиялар жорий этилмоқда.

"Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида парламент қуйи палатасига киритилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ушбу муҳим лойиҳани сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар йиғилишларида кенг муҳокама қилдилар.

Қонун лойиҳаси қуйи палата мажлисида атрофлича кўриб чиқилиб, қабул қилинди ва тасдиқлаш учун Сенатга юборилди. Сўнгра "Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг шу йил 27-28 сентябрь кунлари бўлиб ўтган ўн олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланди.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 2 октябрда имзоланди. Шу тариқа Ўзбекистон томонидан БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенциясининг Париж битими ратификация қилинди.

Шу ўринда авваламбор, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенциясининг Париж битими тарихи ҳақида мухтасар тўхталиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Маълумки, иқлим ўзгариши натижасида юз бераётган табиий офатлар бутун инсониятни ўйлантираётган энг долзарб муаммолар сирасига киради. Иқлим ўзгариши инсонлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда ва шу боис жаҳон ҳамжамияти томонидан энг глобал таҳдидлардан бири деб тан олинган.

2017 йилда иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ табиий офатлар ва фалокатлар оқибатида кўрилган зарар 320 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бу ҳақда БМТ Бош котиби Антонио Гутериш БМТнинг Бош Ассамблеяси доирасида иқлим ўзгариши бўйича юқори даражада ўтказилган тадбирда маълум қилди. "Биз жуда, жуда тез ҳаракат қилмасак, бартараф этиб бўлмайдиган жиддий зарар кўришимиз хавфи мавжуд", деди А.Гутериш.

Содда қилиб айтганда, иқлим ўзгариши, яъни ҳавонинг исиши муаммоси атмосферада иссиқхона газлари миқдорининг ортиб кетиши сабабли юзага келди. Бу эса сайёрамиз аҳолисининг саломатлиги, экотизим, қишлоқ хўжалиги фаолияти ва, энг хатарлиси, озиқ-овқат хавфсизлигига бевосита таҳдид солаётир.

Биринчидан, экспертларнинг фикрича, ушбу экологик муаммо оқибатида Ер юзида қурғоқчиликлар кучаяди. Оқибатда сув ва озиқ-овқат танқислиги хавфи ошиб, йил мобайнида жазирама давр давомийлигининг ортиши туфайли аҳоли ўртасида касалликлар кўпайиши кузатилади. Шунингдек, у бошқа хавфли табиат ҳодисалари — сел ва тошқинларнинг тез-тез такрорланишига олиб келади. Иқлим ўзгариши экотизимлар ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, ҳозирги кунда дунё мамлакатлари ушбу жиддий муаммонинг аянчли оқибатларини бартараф этиш учун зудлик билан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириши тақозо этилмоқда. Афсуски, бу борада ўз вақтида таъсирчан чоралар кўрилмаган.

Оқибатда атмосферада иссиқхона газлари миқдори бундан кейин ҳам кўпайиши эҳтимоли кучли эканидан кўз юмиб бўлмайди. Шундай мураккаб ҳолатда дунё мамлакатлари иқлим ўзгариши борасидаги ҳаракатлар учун катта маблағлар йўналтиришларига тўғри келмоқда.

Учинчидан, эндиликда иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга тизимли жавоб қайтариш долзарб воқеликка айланди. БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенциясида ана шу глобал муаммони ҳал этишнинг иккита асосий йўналиши, бир томондан — атмосферага иссиқхона газлари чиқарилишини камайтириш, иккинчи томондан эса кузатилаётган ва кутилаётган иқлим ўзгаришларига мослашиш вазифаси белгилаб берилди.

БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенциясининг Париж битими 2015 йил 12 декабрда Франция пойтахти — Париж шаҳрида бўлиб ўтган Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенция томонлари конференциясининг 21-сессиясида қабул қилинган ва 2016 йил 4 ноябрда кучга кирган. Париж битими 2020 йилдан бошлаб амалга оширилади ва у БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенциясининг Киото Протоколи ўрнини эгаллаши лозим.

Париж битимидан кўзланган асосий мақсад БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси амалга оширилишини фаоллаштириш, глобал ўртача ҳароратнинг индустриаллаштириш давригача, яъни 1750 йилгача бўлган даражага нисбатан 2° С меъёрида сақлаб туриш ҳамда ҳароратнинг 1,5° С гача ўсишини чеклашга эришишдан иборат.

Бу, ўз навбатида, 2050 йилгача иссиқхона газлари глобал ажратмаларини 40-70 фоизга камайтиришни ва 2100 йилга келиб уни 0 ёки манфий кўрсаткичга етказишни талаб этади. Бошқача айтганда, 2020 йилдан — 2030 йилгача иссиқхона газлари чиқаришни камайтириш орқали глобал исиш суръатларини қисқартириш кўзда тутилмоқда.

Париж битимини имзолаган 195 мамлакатдан 180 таси ушбу ҳужжатни ратификация қилган. Иштирокчи мамлакат 2030 йилга келиб эришиши лозим бўлган иссиқхона газлар ажратмаларидаги миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссасини камайтириш тўғрисида Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенция котибиятига маълумот тайёрлаши Париж битимини имзолашнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Битимни ратификация қилмаган мамлакатлар кузатувчи мақомига эга. Улар учун иқлимий молиялаштиришдан фойдаланишда чеклашлар мавжуд.

Ўзбекистон томонидан Париж битими 2017 йил 19 апрелда БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида имзоланган. Битимни имзолаш учун БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси (ИЎДК) котибиятига иссиқхона газлари ташланмаларидаги миллий миқёсда белгиланадиган ҳиссасини камайтириш тўғрисида ҳужжат тақдим этилган.



Ушбу ҳужжат ичига Ўзбекистон Республикасининг иқлим ўзгаришига қарши кураш билан боғлиқ чора ва ҳаракатларни кучайтиришига доир узоқ муддатли истиқболли амалий ишларни қамраб олган. Хусусан, 2030 йилга келиб мамлакатда иссиқхона газлари солиштирма ташланмаларини 2010 йилдаги даражага нисбатан ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) бирлигига нисбатан 10 фоиз қисқартириш мўлжалланмоқда.

Мамлакатимизда бу кўрсаткичга эришиш учун қулай шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим, яъни:

– ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръати таъминланиши керак;

– иссиқхона газлари эмиссиясининг паст даражада ўсиш суръатлари, яъни йилига тахминан 0,8 фоиз миқдорни сақлаб туриш зарур;

– бу соҳада узоқ муддатли мақсадларга эришиш халқаро ташкилотлар ва молия институтлари кўмагида илғор энергия тежайдиган ва экологик хавфсиз технологиялардан ва иқлимий молиялаштириш манбаларидан фойдаланишни назарда тутади.

Шуни ҳам айтиш керакки, 2004 йили Ўзбекистонда БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенциясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилган. Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 2015 йили таркибига 19 ташкилот ва идора вакиллари кирган Идоралараро ишчи гуруҳ тузилди.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг фикрига қараганда, Ўзбекистонда режалаштирилаётган аниқлаштириладиган миллий ҳисса (РАМҲ) даражасига қўшимча харажатларсиз эришиш мумкин. Чунки РАМҲ иссиқхона газлари мутлақ миқдорини камайтиришни кўзда тутмайди, балки уларнинг ўсишини камайтиришга мўлжалланган. Бу эса Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига тўсқинлик қилмайди.

Ўзбекистон Париж битимига риоя қиладими, мамлакат атмосферага иссиқхона газлари чиқаришни камайтириш, исиш суръатларининг иқлим ўзгаришига таъсирини қисқартириш, том маънода муқобил энергия манбаларини жорий этиш борасида ўзининг аниқ мақсадларига эгами, деган саволлар туғилиши табиий. Бу саволларга жавоб бериш учун, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Париж битимини ратификация қилишидан кўзланган мақсад асосан нималардан иборат, деган масалага аниқлик киритиш тақозо этилади.

Биринчидан, юртимиз иқлим ўзгариши таъсирига кўпроқ мойил мамлакатлар қаторига киришига эътибор қаратиш даркор. БМТ Бутунжаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунгача глобал йиллик ўртача ҳаво ҳарорати 1880 йилдаги даражадан 1°С га ортган.

Ўзбекистонда эса худди шу давр учун ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1,6°С га, яъни 13,2 дан 14,8 °С га кўтарилди. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда исиш жадаллиги глобал миқёсда кузатилаётган ўртача суръатдан юқоридир.

Иккинчидан, Париж битимини ратификация қилишдан Ўзбекистон манфаатдор. Хусусан, бу муҳим ҳуқуқий қадам энергия самарадорлиги ва энергия тежаш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда иқлимий молиялаштириш ресурслари — асосан грантларни жалб қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, ер-сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, экология муаммоларининг салбий оқибатларига қарши курашиш каби жабҳаларда қулайликлар тақдим этади.

Учинчидан, Битимдаги иштирок миллий иқтисодиётга инвестиция ресурсларини жалб қилиш ҳамда халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг кредитларини олиш учун ўзига хос мезон ҳисобланади. Шу билан бирга, иқлим соҳасидаги ҳаракатлар келажакдаги савдо келишувлари учун шарт сифатида илгари сурилиши мумкин.

Тўртинчидан, яқинда Франция ҳукумати Париж битимига аъзолиги Европа Иттифоқи савдо келишувларидаги муҳим элемент сифатида қабул қилиш таклифини билдирди. Франция Республикаси Президенти Эммануил Макрон БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясидаги чиқишида Париж битими — экологияни асраш борасидаги бош халқаро ҳужжат эканини таъкидлар экан, дунё ҳамжамиятини ушбу битимни қўллаб-қувватламаган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилмасликка чақирди.

Бу, биринчи навбатда, бундан буён Европа Иттифоқи Париж битимини ратификация қилмаган ёки уни амалга оширмаётган мамлакатлар билан бошқа савдо-сотиқ қилмаслигини англатади.

Бешинчидан, Париж битимида ҳеч қандай "жазо" чоралари кўзда тутилмаган. Битим қоидаларини амалга ошириш ва уларга риоя этилишини рағбатлантириш механизми қўллаб-қувватловчи хусусиятга эга бўлиб, адоватсиз ва жазоловсиз, холис амал қилади.

Олтинчидан, Париж битимида ушбу халқаро ҳужжат талабларини бажариш йўлида иштирокчи мамлакатларни молиявий қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Шу мақсадда мазкур соҳадаги лойиҳалар ва дастурларни молиялаш учун Яшил иқлим жамғармаси тузилди. Эътиборли жиҳати шундаки, 2020 йилгача бу жамғарманинг бюджетини 100 миллиард АҚШ долларига етказиш режалаштирилмоқда.

Еттинчидан, Битим иқлим ўзгаришларини юмшатиш ва иқлим ўзгаришларига мослашишга доир янги технологиялардан фойдаланиш ва инновацион технологиялар соҳасида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос ҳамдир. Шунингдек, Париж битими уни ратификация қилган мамлакат билан иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради.

Яъни, иштирокчи мамлакатга — миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда — иқлим ўзгаришига мослашишни кучайтириш ва заифликни камайтириш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш имконияти таъминланади. Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, бундай имконият Орол фожиаси муаммосини ҳал этиш нуқтаи назаридан, айниқса, долзарбдир.

Саккизинчидан, ҳозирги вақтда Яшил иқлим жамғармаси молиялаштираётган 35 та лойиҳанинг умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу лойиҳалар қаторида Ўзбекистон ва Тожикистон учун Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги "Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг олдини олиш Дастури" лойиҳасини молиялаштириш билан боғлиқ 20 миллион АҚШ доллари миқдоридаги грант масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда.

Тўққизинчидан, Париж битимининг яна бир аҳамиятли жиҳати — иқлим ўзгариши натижасида етган зарар далиллари тақдим этилган ҳолатларда, иқлим ўзгаришининг ноқулай таъсири оқибатлари донорлар томонидан бартараф этилади.

Ўнинчидан, Ўзбекистон Париж битимини ратификация қилгани мамлакатимизнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар, битимда акс эттирилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ғояларига содиқлигини кўрсатади ҳамда Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияга аъзо давлатлар билан халқаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Буларнинг барчаси БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенциясининг Париж битимини ратификация қилиш асосида Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини тўлиқ бажариши йўлидаги муҳим қадамлар сирасига киради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Мамлакатимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, биз ташқи сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар, аввало, қўшни мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш сиёсатини изчил давом эттирамиз".

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу халқаро ҳужжатни ратификация қилишга доир қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоллари, партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, барча даражадаги депутатлари фаол иштирок этганини алоҳида қайд этмоқчимиз.

Зеро, сиёсий партиямизнинг сайловолди Платформасида: "Бизнинг асосий ғоямиз — Ўзбекистоннинг буюк келажагига бор билим ва малакамиз, ижодий куч-қудратимизни бағишлаш орқали она Ватанимизнинг миллий манфаатлари йўлида фидокорона хизмат қилишдир", дея қайд этилгани бежиз эмас.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Рангин дунё

МУСТАҲКАМЛИКДА ТЕНГИ ЙЎҚ ДЕВОР



Хорватиядаги Дубровник шаҳри меъморий жиҳатдан иккига бўлинади: янги ва эски шаҳар. Қуйида ҳикоя қилинаётган — XII–XVII асрларда қалъа сифатида қурилиб, девор билан ўралган, Ўрта ер денгизи атрофида жойлашган эски шаҳар ўрта асрларга хос меъморий ечимни ўзида мужассам этгани билан қадрлидир.

У 1979 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Девор узунлиги 1 минг 994, баландлиги 25, дарёдаги қисмининг қалинлиги 1,5–3, қуруқликдагисиники эса 4–6 метрни ташкил этади. Эски шаҳардаги марказий кўча — Страдун сайёҳларнинг севимли маскани саналади.

Қурилиш режасига кўра, девор бутун Дубровник шаҳрини ўраб олган. Лекин ҳозирги кунда шаҳар ҳудудига кирувчи монастир бундан мустасно. Чунки ушбу монастир Дубровник таркибига девор қурилишидан сўнг киритилган. Девор Минчета минораси, Бокар форти, Ревелин ва Ловренац қалъасини ўз ичига олади. У шу қадар мустаҳкам қурилганки, ҳатто 1667 йилдаги кучли зилзиладан кейин ҳам зарар кўрмай омон қолган. Бундан ташқари тарихдан маълумки, босқинчиларнинг бир неча бор шаҳарни босиб олишга бўлган уриниши бесамар бўлган. Масалан, унинг IX асрда ўн беш ой давом этган қамалдан кейин ҳам омон қолиши шаҳар қалъалари, дарҳақиқат, мустаҳкам ҳимоя воситаси сифатида қурилганига исбот бўла олади.

1538 йилда мамлакат Сенати девор, хусусан, Ревелин қалъасини қайта қуришга кўрсатма берган. Бу иш 11 йил давом этди ва шу орада Дубровникда бошқа ҳеч қандай қурилиш олиб борилмади. Чунки барча куч қалъа қурилишига қаратилди. Янги Ревелин энг кучли қалъага айланди ва шаҳар шарқий томондан мустаҳкам ҳимояланди. Қалъа қийшиқ тўртбурчак шаклида бўлиб, дарё томондаги девор бошқаларидан пастроқ қурилган. Қуруқлик билан чуқур ҳандак ёрдамида ажратилган.

Минчета минораси шаҳарнинг рамзи ҳисобланади. Дастлабки квадрат шаклидаги кичик минора 1319 йилда барпо қилинган. Кейинчалик унинг асосида бошқа қисмлар ҳам қурила бошланди. Кенгайиб борган минора бугун айлана шаклига кирган. Қурилиш ишлари 1464 йилда тугатилган.

Бокар қалъаси 80 йил давомида қурилган. Иншоотнинг тепа қисми турли тошлар билан мустаҳкамланган. Шу боис у фортификацион архитектуранинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Қалъа, асосан, ҳимоя дарвозаси вазифасини ўтаган. Унинг ёнидаги ҳандак ва кўприкдан ҳозирги кунда турли томошалар учун саҳна ўрнида фойдаланилади.

Шаҳардаги муқаддас Иоан қалъаси Дубровникнинг муҳим ҳимоя мажмуаси саналади. Унинг биринчи минораси XIV асрда барпо қилинган. Узоқ йиллар давомида унга янги элементлар қўшиб қуриб борилди ва XVI асрга келиб ярим айлана шаклини олди. Ушбу қалъа ичида денгизларга оид музей ва Аквариум жойлашган. Иоан қалъасидан шаҳарнинг денгиз томондаги дарвозаси қўриқланган ва денгиз қароқчилари, душман кемаларининг ҳужумларини қайтаришда мудофаа истеҳкоми саналган.

Шаҳарнинг жанубий қисмида — девордан ташқарида жойлашган Ловренац қалъаси ўзининг ташқи кўриниши ва ўлчами билан ҳар қандай кишини хайратга солиши, шубҳасиз. У ҳам ҳимоя вазифасини бажариб, асосан, шаҳарга қарашли Калариню портини ташқи ҳужумдан асраган.

Шаҳарга сайёҳлар Пиле дарвозасидан киради. У икки — ички ва ташқи қисмдан иборат. Ташқи қисм ренессанс услубида қурилган аркали ярим айлана шаклидаги минора, ички қисм готик услубидаги 1460 йилда қурилган дарвозани ўз ичига олади.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши халқ депутатлари Вобкент туман Кенгаши депутати Лайло Шариповага отаси
Адиз ота ШАРИПОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MILLIY TIKLANISH
41 (525) 2018 йил 10 октябрь, чоршанба

Туризм

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ЯРМАРКАСИ

УНДА МАМЛАКАТИМИЗ САЙЁҲЛИК ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА МИЛЛИЙ САЙЁҲЛИК ХИЗМАТЛАРИ КЕНГ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазмалар мажмуасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Milliy PR markazi" ва БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида "Ипак йўлида туризм" 24-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари, ҳунармандлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистонда сайёҳлик инфратузилмаси изчил ривожланаётгани, унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни, тараққиёт тенденциялари, ўзаро ҳамкорлик ва халқаро кўргазмаларнинг аҳамияти, туристларни кенг жалб қилиш мақсадида янги лойиҳа ва тармоқлар ишга туширилаётгани, замонавий кадрлар тайёрлашда Самарқанд шаҳрида очилган "Ипак йўли" халқаро туризм университети муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Бугун туризм — мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғига айланиб улгурди, десак хато бўлмайди. Юртимизга сайёҳларни жалб этиш, миллий туризм маҳсулотларини кўпайтириш ва уларни жаҳон бозорларида кенг тарғиб қилиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили юртимизга 1,5 миллион, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида эса 3,4 миллион сайёҳнинг ташриф буюргани ҳам ана шундан далолат беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлари юртимиз туризм салоҳиятини ошириш, соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш, инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

1995 йилдан буён Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган ушбу халқаро ярмарка мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасини тараққий эттириш, миллий сайёҳлик хизматларини халқаро бозорларга таклиф этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Унинг кўлами йилдан-йилга кенгайиб, жаҳон жамоатчилигини юртимизнинг туризм соҳасидаги улкан салоҳияти билан яқиндан таништириш, хориждаги етакчи сайёҳлик компания ва фирмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир. Бу йилги ярмаркада ҳам Ҳиндистон, Миср, Жанубий Корея, Туркия, Россия, Хитой, Сингапур, Малайзия, Озарбайжон, Чехия, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон каби қатор давлатлардан 60 га яқин фирма ва компаниялар иштирок этди. Ўзаро манфаатли шартномалар тузилиб, сайёҳлар алмашинувини кенгайтириш ва фаоллаштириш бўйича мавжуд имкониятлар кўриб чиқилди. Иштирокчилар ўзбек халқининг савдо-сотиқ маданияти, миллий маънавияти, ижодкорлик салоҳияти, меҳмондўстлик каби эзгу қадриятлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

— "Ипак йўлида туризм"да биз илк бор иштирок этдик, — дейди индонезиялик Фукки Ризал. — Ўзбекистонда саёҳатларни мазмунли ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш учун барча имконият мавжуд экан. Қадимий тарихий обидалар, табаррук қадамжоларнинг кўплиги, қолаверса, юртингиздаги тинчлик-тотувлик муҳити бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб этмоқда. Самарқанд, унинг бетакрор тарихий обидалари ҳақида кўп эшитганман. Эртага Самарқандга бориб, барчасини ўз кўзим билан кўрмоқчиман. Ҳозирдан жуда ҳаяжондаман.

Навбатдаги Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари, хусусий уй-меҳмонхоналар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, темир йўллар ва авиаташувчилар, турбизнес, турагент ва туроператорлар ҳамда бошқа сайёҳлик хизматлари намойиш этилди. Маданий-тарихий, бизнес, спорт ва экологик саёҳатлар, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, соғломлаштириш, гастрономик, экстремал, ёшлар туризми каби йўналишларга оид бўлимларда сайёҳлик саноатининг барча замонавий кўриниши қамраб олинди.

Ҳар галгидек миллий кўргазмалар павильонида мамлакатимизнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари махсус экспозицияларни намойиш этди. Дастурхонга тортилган ўзбек миллий таомлари, либослар, турли мева-сабзавотлар намойиши, мусиқий меросимиз, ҳудудларнинг фольклор санъатига оид тақдимотлари, айниқса, хорижлик меҳмонларга манзур бўлди. Бу йил миллий кўргазмалар павильонида янги лойиҳа — "Ҳунармандлар шаҳарчаси" ва "Рассомлар хиёбони" ташкил қилинди. Шунингдек, мамлакат ҳудудидаги театр ва музей стендлари, ўзбек дизайнерлари яратган либослар, "Шарқ бозори" кўргазмаси фаолияти йўлга қўйилди.

— Халқаро ярмарка доирасида илк бор ахборот стенди тақдим этилди, — дейди "Milliy PR markazi" директори Шоҳрух Маликов. — Иштирокчилар ва меҳмонлар ушбу

стендлар орқали туризм соҳасидаги хизматлар — лицензиялаш, аттестациядан ўтказиш ва семинар-тренинглар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имконига эга бўлдилар. Музокаралар олиб бориш ва шартномалар имзолаш учун ҳам барча шарт-шароит яратилди. Ўзбек ошхонаси ўзига хос таомлари, тайёрлаш усули ва мазаси билан машҳур. Бу ярмарка доирасида ўтказилган анъанавий — "Ипак йўли таъми" миллий таомлар фестивалида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

— Бу галги тадбирга пойтахт вакиллари алоҳида экспозиция билан келди, — дейди Тошкент шаҳар туризмни ривожлантириш департаменти директори ўринбосари Иззатбек Жўраев. — 100 квадрат метр жойни эгаллаган "Tashkent City" стендида томошабинлар келгуси, бугунги ва кечаги Тошкент ҳақида тўлиқ маълумот олиш билан бирга ҳудуднинг янги ва ўзига хос туристик имкониятлари, сайёҳлик маршрутлари ва хизматлари намойишига таклиф этилди. Шаҳримизда транспорт коммуникациялари ва хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган янгиликлар билан танишиш имконияти яратилди.

— Наманган вилоятида бугун ўттиздан ортиқ туризм компанияси ва меҳмонхона сайёҳларга хизмат кўрсатяпти, — дейди вилоят туризм бошқармаси бошлиғи Хуршид Абдумаликов. — Туризм соҳасида вилоятимизнинг ўзига хос имкониятларидан келиб чиқиб, манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Бу йилги халқаро ярмаркада сўлим ва бетакрор табиатимиз неъмати бўлган мева ва полиз маҳсулотлари, маҳаллий аҳолининг қадимий маданияти, кўҳна тарихи билан алоҳида ўрин тутувчи Ахсикент ҳақидаги кўргазмалар билан қатнашдик. Вилоятимизнинг Косонсой, Чуст, Чодак каби тоғолди зоналарида ҳам туристлар диққатини тортадиган, уларда қизиқиш ва ҳавас уйғотадиган жойлар кўп. Уларда ҳам сайёҳларга шарт-шароит яратиш, йўналишлар белгилаш, инфратузилма барпо этишга киришилган.

Халқаро ярмарка якунида энг яхши сайёҳлик йўналиши тақдимоти, энг яхши дизайн, энг яхши стенд, энг яхши хизмат, компания ва меҳмонхона тақдимоти, тематик бўлим, сермаҳсул ҳамкорлик каби қатор йўналишларда ғолиблар аниқланиб, тақдирланди. Жорий йил "Hosted Buyers" дастури доирасида 22 давлатдан 50дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилади.

Эркин ДОРИПОВ,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ(сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Анорнинг кимёвий таркибидан инсон организми меъёрида ишлаши учун зарур бўлган кўплаб витамин, минерал ва микроэлементлар ўрин олган. Калий, кальций, фосфор, магний, натрий, темир ана шулар жумласидан. Анор меваси ўлчамига қараб унинг ичидаги доналари 400дан 900 тагача бўлиши мумкин. 100 грамм тош босувчи анорнинг 79,2 грамми сувдан иборат бўлишига қарамай у 52 ккал калорияга эга.

"УЛ НА ГУМБАЗДУР, ЭШИГУ ТУЙНУГИДАН ЙЎҚ НИШОН..."

Таркибидаги минераллар ҳисобига анор меваси организмнинг иммун тизими, асаб толаларини мустаҳкамлайди, қон томирларининг меъёрида ишлашини таъминлайди ва тана бўйлаб қон ҳаракатини яхшилайди. Бундан ташқари, ушбу мева ичакларни тозалаш хусусиятига эга, инфекцияга қарши самарали восита саналади. Анорнинг қон айланишини яхшилаш хусусияти кўпроқ кексалар ва жарроҳлик операцияларини бошидан кечирган беморлар учун айниқса, қўл келади. Чунки уларнинг организми тетиклаштирувчи воситаларга муҳтож бўлади.

Шамоллаш, қалқонсимон без, юрак билан боғлиқ касалликларда ҳам анор ижобий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Анор шарбатида 15 турдаги аминокислота мавжуд. Улар организмнинг меъёрида фаолият кўрсатиши учун жуда зарур. Шунингдек, бундай шарбатнинг энг асосий хусусиятларидан бири — организмни тозалаши. Иштаҳа йўқолганида ҳам анор шарбати қўл келади. Уни, айниқса, жигар, буйрак ва ўпка билан боғлиқ касалликларда истеъмол қилиш фойдали.

Анорнинг нафақат меваси, балки уруғи, пўстлоғи ҳам аксар касалликларга даво саналади. Пўстлоқдан олинган кукуни бириктирувчи хусусиятга эга бўлиб, энтероколит (ингичка ва йўғон ичакнинг бир вақтда яллиғланиши)ни даволайди. Шунингдек, кукунни теридаги яраларга сепиш унинг тезроқ битишига ёрдам беради. Анор пўстлоғининг қайнатмаси ошқозон-ичак касалликларида кенг қўлланилади.

Анор доналарини бир-биридан ажратиб турувчи пардаларнинг ҳам ўзига яраша фойдали жиҳатлари бор. Қуритилган анор пардалари чойга солинади. Бундай чой асаб тизимига яхши таъсир ўтказади, уйқусизликни енгишга ёрдам беради ва тинчлантириш хусусиятига ҳам эга.

Бир дона анор мевасида инсон организми учун зарур кунлик витаминларнинг 40 фоизи мавжуд. Антиоксидантлар кўк чойга қараганда анор таркибида кўпроқ. Ушбу донали мева унинг барча фойдали хусусиятлари фақат яхши етилган ва янги узилган вақтдагина бўлишини унутмаслик керак.

М.АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Талбир

СУД ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ ЁРИТИЛИШИ КЕРАК?

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ҳуқуқий журналистика кенгашининг оммавий ахборот воситаларида суд жараёнларини ёритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва журналистнинг айбсизлик презумциясига амал қилиш мажбурияти мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Олий суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъул ходимлари, Ҳуқуқий журналистика кенгаши аъзолари, марказий оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мавзуни ёритишга ихтисослашган ходимлари иштирок этди.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллиштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида кўрсатилганидек, судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ҳолати қониқарсиз аҳволда экани, бу борада ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги алоҳида қайд этилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган аксарият мақолаларда судлар фаолияти ва суд жараёнининг ижтимоий моҳияти, тарбиявий аҳамияти тўлақонли ёритилмай қолмоқда. Журналистлар судда кўрилган жиноят иши тафсилотларини баён этиш билан чекланиб қолаётир. Аслида эса ҳар бир суд жараёни ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, тарбиявий, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий дунёқарашини шакллантиришда муҳим омил саналади.

— Эркин матбуот ва мустақил судлар фуқаролик жамиятининг ўзига хос томонидир, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимов. — Бирорта ҳам замонавий демократик давлат мазкур институтларсиз яшай олмайди. Зеро, улардан бирининг мустақиллигига раҳна соладиган омил иккинчисининг ҳам эркинлигини чегаралаб қўяди. Шу боис мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган янгиланиш ва либераллаштириш жараёнида суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабат алоҳида аҳамият касб этади.

Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилмагани, журналистларнинг касбий лаёқатсизлиги, ҳуқуқий соҳага ихтисослашмагани юзага келган муаммоларнинг асосий сабабидир. Ҳолбуки, суд жараёни ва судлар фаолиятини мукаммал ёритиш, аввало, ҳар бир журналистдан тўлақонли ҳуқуқий билимга эга бўлиш, қонунлар моҳиятини чуқур англашни талаб этади.

Тадбирда суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабатни янада яхшилаш, янги босқичга кўтариш учун қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги қайд этилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасини ёритувчи журналистларга ҳуқуқий журналистикага оид китоблар ва қўлланмалар тақдим этилди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

МММда

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Миллий матбуот марказида "Тиббий таълимдаги ислоҳотлар — соғлиқни сақлаш тизимини тараққий эттиришнинг муҳим мезонларидан бири" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида кенг маълумот берилди.

ТИББИЙ ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов ва бошқалар мамлакатимизда тиббиёт ходимларини тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Хусусан, мамлакатимизда тиббиёт соҳаси учун 7 олий тиббий таълим муассасаси ва уларнинг 4 филиалида кадрлар тайёрланмоқда. 2017 йили Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз, жорий йилда эса Фарғона филиали очилиши ҳудудлардаги тиббиёт муассасаларининг малакали кадрлар билан таъминлаш имкониятини кенгайтирди.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёнида тиббий таълимнинг мазмуни, кадрлар тайёрлаш муддати ва сифати халқаро таълим стандартларига мос равишда, мамлакатимизнинг амалдаги эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда. Хусусан, ўқув режаларидаги ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки 23 фоиздан 7 фоизга қисқартирилиб, клиникагача ва клиникага оид фанлар учун соатлар ҳажми 55 фоиздан 85 фоизгача оширилди. Тиббий олий таълим муассасаларида бакалавриат таълим йўналишлари ўқитиш муддатлари 7 йилдан 6 йил ва "Тиббий профилактика" йўналишида 5 йил қилиб белгиланди. 2017 йилда республика тиббиёт муассасаларига 12 мингга яқин шифокор етишмаган бўлса, тиббий таълимнинг 6 йилга қисқариши, хориждан шифокорлар келиб фаолият юритиши ҳамда нафақа ёшидаги шифокорлар нафақасини тўлиқ олиши, шифокорларга 2 ставкагача ишлашга рухсат берилиши натижасида жорий йилнинг шу кунига қадар бу кўрсаткич 4 мингтани ташкил қилмоқда.

— Сўнгги йилларда тиббиёт соҳаси, хусусан, тиббий таълимни ислоҳ қилиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда, — деди соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов. — Жумладан, тиббий олий ўқув юртларидаги таълим тизимига янги фанлар, магистратура йўналишлари қаторида "Диетология", "Спорт тиббиёти", "Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги", "Болалар терапевтик стоматологияси" каби ихтисосликлар, бакалавриатура таълимига халқаро тажрибага мувофиқ жорий этилган "Тиббиётда хорижий тил", "Тиббиётга кириш", "Молекуляр фармакология", "Тиббий экология", "Биоэтика" каби фанлар киритилгани тиббий таълим ривожи йўлидаги муҳим қадамдир.

Матбуот анжуманида тиббиёт институтларини мустақил билим юртларига айлантириш, бу юзасидан давлат унитар корхоналари ташкил қилиш, вилоятлардаги тиббиёт муассасалари фаолиятидаги муаммолар, оилавий поликлиникалар ишини самарали ташкил қилиш, масофавий таълим бўйича мутахассислар тайёрлашдаги долзарб вазифалар тадбир ташкилотчилари ва журналистлар томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Реклама

Хизматлар лицензияланган.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1016, Адади — 3818. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Дилфуза МАҲКАМОВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 02.00. ЎзА якуни — 01.30

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123456